

ЎЗБЕКИСТОН ВА ФРАНЦИЯ ЎРТАСИДА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ЎРНАТИЛИШИ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев давлат таширифи билан Франция Республикасида бўлиб турибди.



12 март куни Париждаги Фахрийлар уйида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Мамлакатимиз етакчисини Франция Президенти Эммануэль Макрон кутиб олди.

Майдонда олий мартабали меҳмон шарафига Франция Республика гвардияси, қуруқлик қўшинлари, ҳарбий-денгиз ва ҳарбий-ҳаво кучлари хизматчиларидан иборат фахрий қоровул саф тортиди.

Ҳарбий оркестр икросида икки мамлакат мадҳиялари янгради. Гвардиячилар давлатимиз раҳбари олдида тантанали юриб ўтди.

Президентлар фахрий қоровул сафи олдида ўтдилар ва расмий делегациялар аъзоларини қутладилар.

Сўнг давлатимиз раҳбари отлик гвардиячилар ва мотоциклчилар ҳамроҳлигида олий даражада музокара ўтказиш учун Франция Президентининг қароргоҳи — Елисей саройига йўл олди.

Елисей саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг музокарали бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари кўп қиррали Ўзбекистон — Франция муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалаларини юзма-юз ва делегациялар иштирокида атрофича муҳокама қилдилар.

Дикки мамлакат етакчиларининг 2023 йил ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида ўтган учрашуви давомида эришилган келишувлар амалга оширилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Турли даражаларда фаол мулоқотлар давом этмоқда. Ўтган йилда товар айирбошлаш ҳажми илк бор 1 миллиард евродан ошди, қўшма корхоналар сон 4 баробар кўпайди.

Юртимизда Франциянинг “Orano”, “EDF”, “Total”, “SUEZ”, “Volitalia”, “Veolia” ва қўллаб бошқа етакчи компаниялари муваффақиятли иш олиб бормоқда. Франция тараққиёт агентлиги билан ҳамкорлик янги сифат касб этди, у билан янги Ҳамкорлик дастури қабул қилинмоқда.

Ташрифта тайёргарлик доирасида Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши ва “MEDEF” бизнес миссияси самарали ўтди, Ишбилармонлар палатаси ўз ишини бошлади.

Шу кунларда Париж, Тулуза, Лион ва Ницца шаҳарларида ҳудудларнинг фаол иштирокида қўшма тадбирлар ўтказилмоқда. Қуни кеча қўшма табибёт форуми ҳамда фан ва таълим бўйича конференция, Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти ва маданиятига бағишланган тақдиротлар ўтказилди. Гретц-Арменвилл шаҳрида буюк аллома Абу Райҳон Беруний биоти очилди.

Савдо-иқтисодий ва инвестиция-молиявий соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, Франциянинг етакчи компания ва корхоналари билан кооперация лойиҳаларини илгари суришга устувор аҳамият қаратилди.

Бу галли саммитта янги Инновация ва саноат шериклиги дастури тайёрланган. Мухим минерал ҳомаёт ресурсларини қазиб олиш ва қайта ишлаш, энергетика,

инфратузилмани ривожлантириш, транспорт ва бошқа тармоқларда умумий қиймати 6,5 миллиард евролик қўшма лойиҳаларни илгари суриш кўзда тутилган.

Умуман, қўшма лойиҳалар портфели 12 миллиард евродан зиёдни ташкил этмоқда.

Шу маънода, молиявий қўллаб-қувватлаш воситаларини кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари узоқ муддатли кооперация алоқаларини йўлга қўйишга қўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон — Франция инвестиция кенгашини таъсис этиш ва унинг биринчи йиғилишини жорий йил июнь ойида Тошкент инвестиция форуми доирасида ўтказишни таклиф этди.

Ҳудудлараро алоқаларни рағбатлантириш мақсадида келгуси йилда Самарқанд шаҳрида икки мамлакат ҳудудларининг биринчи форумини ўтказишга келишиб олинди.

Етакчилар гуманитар йўналишдаги амалий ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратдилар. Париж шаҳрида Савицкий музейни тўпламидаги авангард асарлар кўргазмасини ташкил этиш, маданий ёдгорликларни сақлаш ва реставрация қилиш бўйича ҳамкорлик учун мамлакатимизда Франция мероси институти ваколатхонасини очиб режалари қўллаб-қувватланди.

Жорий йилда Тошкент шаҳрида Франциядан тажрибали мутахассисларни жалб қилган ҳолда Ўзбекистон — Франция университети очилиши таълим соҳасидаги асосий келишув бўлгани таъкидланди. Француз тили ўқитувчиларини тайёрлаш соҳасида ҳам самарали ҳамкорлик давом эттирилади.

Ишбилармонлик, туризм ва маданий алмашинувларни фаоллаштириш мақсадида томонлар тўғрисидаги авиақатновлар сонини кўпайтириш масаласини кўриб чиқадилар.

Давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар. Кўп томонлама ташкилотлар доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлашни давом эттириш, терроризм, экстремизм, радикализм, кибержаноатчилик ва хавфсизликка таҳдид солаётган бошқа замонавий хатарларга қарши курашишда сўй-ҳаракатларни бирлаштириш муҳим экани таъкидланди.

Тизимли мулоқотни йўлга қўйиш ва мувофиқлаштириш мақсадида ташқи ишлар вазирликлари бошчилигида иқтисодий идораларни жалб қилган ҳолда Стратегик режалаштириш гуруҳини тузишга келишиб олинди.

Музокаралар якунида давлат раҳбарлари икки мамлакат ўртасида стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисида тарихий қарорга келдилар.

Учрашув якунида Президент Шавкат Мирзиёев Президент Эммануэль Макронни ўзи учун қулай вақтда жавоб ташрифи билан Ўзбекистонга келишга таклиф этди.

Париж шаҳрида бўлиб ўтган музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макрон Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларацияни қабул қилдилар.

Давлат раҳбарлари ҳузурида Мутахассислар ва талабалар ҳаракатчилиги тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, Дипломатик паспорт эгаларини виза талабларидан ўзаро озод қилиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим ҳамда Франциянинг етакчи компаниялари билан Ўзбекистонда 6,5 миллиард евролик истиқболли кооперация лойиҳаларини амалга оширишни назарда тутувчи Инвестиция ва инновация соҳаларидаги ҳамкорлик дастури алмашилди.

Давлат ташрифи давомида қуйидагилар ҳам имзоланди:

- Ўзбекистон — Франция университети ташкил этиш тўғрисида ҳукуматлараро битим;
- Радмиссия тўғрисида ҳукуматлараро битим;
- Ташқи ишлар вазирликларининг 2025-2026 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури;
- 2026-2030 йилларда Франция тараққиёт агентлиги билан ҳамкорлик дастури;
- Халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик тўғрисида декларация;
- Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида декларация;
- Француз тилини ўқитишни кенгайтириш тўғрисида баённома;
- Мусика, кино ва театр соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида декларация;
- Маданият ва санъатни ривожлантириш жамағармаси билан Франция Маданият вазирлиги, Маданий мерос миллий институти ва Марказий Осиё тадқиқотлари институти ўртасидаги ҳамкорлик битимлари;
- Тошкент ва Париж шаҳарлари ўртасида шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисида баённома ва бошқа икки томонлама ҳужжатлар.

Елисей саройидаги олий даражадаги учрашув чоғида Президент Шавкат Мирзиёев Президент Эммануэль Макронга буюк француз ёзувчиси Виктор Гюгоннинг ўзбек тилига таржима қилинган “Қулаётган одам” романининг илк нусхасини совға қилди.

Ушбу китоб оммавий нашрдан чиқиши ва тез орада китобхоналар эътиборига ҳавола этилиши кутилмоқда.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Франция ишбилармон доираларининг етакчи вакиллари билан учрашув ўтказди.

Давлатимиз раҳбари 2018 ва 2022 йилларда ушбу мамлакатта расмий ташрифлари ҳамда 2023 йилги Самарқанд саммитида ҳам Франция тадбиркорлари билан учрашган эди.

Форум ана шу очик ва конструктив мулоқотнинг давоми бўлди. Бу галги учрашув унда Ўзбекистоннинг хусусий компаниялари раҳбарлари ва вакиллари ҳам иштирок этгани билан ажралиб туради.

Тадбирда Франциянинг ташқи савдо ва хориждаги француз фуқаролари ишлари бўйича вазир-делегати Лоран Сен-Мартен, Франция тараққиёт агентлиги бош директори Реми Рю, “MEDEF International” раҳбари — “Orano Mining” компанияси бошқаруви раиси Клод Имоуен, шунингдек, икки мамлакат етакчи компаниялари, инвестиция ва банк-молия институтларининг 60 дан ортиқ раҳбарлари ва вакиллари иштирок этди.

Франция бизнеси томонидан SUEZ, Veolia, Total, EDF, Volitalia, Orano, Meridiam, Saint-Gobain, Imerys, Natixis, Societe Generale, BPI France, Airbus, MND, Eiffage, Schneider Electric, Total Energies, Alstom, Technip Energies, Egis, ADP Group, Ellipse Projects, Assystem, ATR ва бошқа компаниялар қатнашди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Франция Президенти Эммануэль Макрон билан ўтган самарали музокараларни юксак баҳолаб, ишбилармонлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва қўшма кооперация лойиҳаларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлади.

Учрашувнинг асосий натижаси сифатида Ўзбекистон — Франция муносабатларини стратегик шериклик даражасига кўтариш ҳақида тарихий қарор қабул қилинди.

Кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришда икки мамлакат етакчи компаниялари муҳим ўрин тутётгани қайд этилди.

Франция ишбилармон доиралари вакиллари янги Ўзбекистондаги ортага қайтмас иқтисодий изоҳотлар стратегиясини қўллаб-қувватлаётгани учун миннатдорлик билдирилди.

Жорий йил январь ойида “MEDEF” таркибидagi йирик компаниялар раҳбарларини Тошкент шаҳрига ташрифи натижалари юксак баҳоланди.

Франция компаниялари билан мамлакатимиз иқтисодиётининг стратегик тармоқларида қатор қўшма лойиҳалар амалга оширилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Ушбу мамлакат инвестицияларини фаол жалб этиш ва илгор технологияларни жорий этиш, Франция корхоналарининг ечимлари, қўлланган катта тажриба ва билимларини қўллашдан Ўзбекистон манфаатдор.

Ўзбекистон Президенти Франция билан савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш муҳимлигини таъкидлади.

Франция компаниялари билан 2027 йилгача бўлган даврга мўлжалланган инновация ва саноат кооперацияси дастури бунга хизмат қилади. Унга умумий қиймати 6,5 миллиард евро бўлган аниқ йўналиш ва лойиҳалар киритилган.

Дастури амалга ошириш доирасида Франциянинг етакчи банк ва молия ташкилотларини фаол жалб қилган ҳолда бизнес ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг самарали воситалари кенг жорий этилиши кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари муҳим минерал ресурсларнинг истиқболли конларини ўзлаштириш ва уларни чуқур қайта ишлаш, қурилиш материаллари, кимё ва фармацевтика тармоқлари, электротехника саноати, қишлоқ хўжалигида замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ва бошқаларни Ўзбекистон — Франция ишбилармонлик ҳамкорлигини янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари сифатида кўрсатиб ўтди.

Энергетикада энергия ишлаб чиқариш ва сақлаш қувватларини кенгайтириш, Ўзбекистон ҳудудларида сув хўжалиги, коммунал, туризм, транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш ҳамкорлигини ривожлантиришда катта салоҳиятга эга.

— Икки мамлакат компаниялари иштирокидаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва жадаллаштириш мақсадида доимий фаолият юритадиган Ўзбекистон — Франция инвестиция кенгашини таъсис этишни таклиф қиламан. Биз томондан унга Ўзбекистон Бош вазир раҳбарлик қилади. Биринчи учрашувини июнь ойида Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида ўтказишимиз мумкин. Барчангизни ташкил этилаётган кенгашининг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида бўлажак тадбирда фаол иштирок этишга таклиф этаман, — деди давлатимиз раҳбари.

Ўз навбатида, Франция ишбилармон доиралари вакиллари ҳамкорликни кенгайтириш бўйича аниқ таклиф ва режаларини баён қилди.

Давлатимиз раҳбари ишбилармон доиралар вакилларида муваффақиятлар тилаб, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига Ўзбекистон Ҳукумати томонидан таъкидланадиган “Йўл хариталари” асосида эришилган келишувлар ижроси устидан назоратни таъминлаш бўйича топшириқлар берди.

Ташриф доирасида Париж шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Франция Республикасининг олий мукофоти — Фахрий легион ордени билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Юксак мукофотни давлатимиз раҳбарига Франция Президенти Эммануэль Макрон тантанали равишда топширди.

Ўзбекистон Президенти икки мамлакат ҳамкорлигини ривожлантириш, халқларини ўртасидаги дўстлик ва ўзаро англашувни мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун ушбу орденага сазовор бўлди.

Мамлакатимиз етакчиси мукофот учун Франция раҳбарига самимий миннатдорлик билдириб, кейинги йилларда сермахсул ҳамкорликда юксак натижаларга эришилгани, икки мамлакат муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилганини мамнуният билан қайд этди.

Фахрий легион ордени 1802 йилда таъсис этилган. Францияда ушбу орден алоҳида хизматларнинг давлат даражасида эътироф этилиши ва шон-шарафнинг энг юқори белгиси ҳисобланади.

Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макрон Елисей саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шарафига давлат қабул маросимини уюштирди.

Қабулда Ўзбекистон ва Франция расмий делегациялари аъзолари, танқили маданият, санъат ва фан арбоблари, ишбилармон доиралар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Эммануэль Макрон ва унинг рафикаси Брижит Макронга самимий миннатдорлик билдириб, бугун бўлиб ўтган музокаралар тарихий аҳамиятга эга эканини, уларнинг натижасида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилганини мамнуният билан қайд этди.

Франция етакчиси бугун ўтказилган музокаралар натижаларини ва имзоланган битимларни олқишлади.

— Бир неча йил ичида биз энергетика, сув ресурсларини бошқариш, коммунал

хизматлар, транспорт, барқарор туризм каби муҳим соҳаларда узоқ муддатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга эришдик. Бунинг далили сифатида Франция ҳукумати ва Франция тараққиёт агентлиги кўмағида француз компаниялари Ўзбекистонга инвестиция киритаётгани, ҳудудларда қўшилган қиймат ва иш ўринлари яратилаётгани, ёшлар касб ўрганиб, ҳаётда ўз ўринини топаётганини келтиришим мумкин, — деди Эммануэль Макрон.

Томонлар халқларимиз фаровонлиги йўлида Ўзбекистон — Франция ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга қатъий интилишларини билдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Францияга давлат ташрифи доирасида БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) бош директори Одри Азулени қабул қилди.

БМТ тизимидаги ушбу нуфузли тузилма билан самарали ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари, шунингдек, жорий йилнинг кузида Самарқанд шаҳрида ташкилот Бош конференциясининг 43-сессиясига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Кўп қиррали шериклик бутунги кунда юксак даражада экани мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон ташаббуси билан ахборотдан фойдаланиш ва болалар таълими масалалари бўйича резолюциялар қабул қилинди.

Мамлакатимиз Маданий бойликлари сақлаш ва реставрация қилиш бўйича халқаро марказга аъзо бўлди. Бухоро “Креатив шаҳарлар тармоғи”га қўшилди. Самарқанддаги Ипак йўли университетида ЮНЕСКО қафдраси очилди. Ўтган йили таълим, маданият, рақамли ва инновация технологиялар соҳаларида 7 та янги лойиҳа амалга ошириш бошланди.

Турон қўллари ва Зарафшон-Қорақум йўли, ипакчилик, қулолчилик, рубоб чалиш ва ифторлик анъаналари, “Бухоро амри девонхонаси архиви”, “Туркисон альбому”, “Худойберган Девонхона фотоальбому” ЮНЕСКОнинг махсус рўйхатларига киритилди.

Таъкидлаш жоизки, Самарқанд шаҳрида бўлажак Бош конференциянинг 43-сессияси сўнгги 40 йил ичида биринчи марта ЮНЕСКОнинг Париж шаҳридаги қароргоҳида бошқа жойда ўтказилди. Бу воқеа ташкилотнинг 80 йиллигига тўғри келади.

Бош директор Одри Азуле Ўзбекистон билан сермахсул ҳамкорликни юксак баҳолаб, бўлажак тадбирга кенг қўллаш тайёргарлик қўрилаётгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириди.

Амалий ҳамкорлик дастурларини янада кенгайтириш, шунингдек, ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси доирасидаги форум ва тадбирларни ташкил этиш бўйича яқиндан ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Францияга давлат ташрифи давом этмоқда.



2025 йил 13 март, 51-сон



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

СИЁСАТ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФРАНЦИЯГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК ТАРИХИДА ЯНГИ БОСҚИЧНИ БОШЛАБ БЕРАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ФРАНЦИЯГА 11 МАРТ КУНИ БОШЛАНГАН ДАВЛАТ ТАШРИФИ ХОРИЖИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

**Британиянинг машхур “London Post”
янгилликлар портали мазкур давлат
ташрифи Франция Президенти
Эммануэл Макроннинг таклифига
биноан амалга оширилгани ҳақида ёзди.**

Қайд этилишича, Парижга ташриф кун тартибига олий даражадаги музокаралар ва тадбирлар, шунингдек, Франция расмий ва ишбилармон доиралари билан бир қатор учрашувлар ўрин олган. “Савдо-иқтисодий ва сармоявий-молиявий соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, Франциянинг етакчи компания ва корхоналари билан ҳамкорликдаги лойиҳаларни илгари суришга устувор эътибор қаратилляпти”, дейилган “London Post” мақоласида.

Нашрда, саммит якунири бўйича ҳукуматлараро ва идоралараро келишувлар тўплами қабул қилинган хабар берилган. Шунингдек, Ўзбекистон раҳбари ЮНЕСКО бош директори Одри Азуле билан учрашиб, жорий йил кузида Самарқанд шаҳрида ташкилот Бош конференциясининг 43-сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг амалий жиҳатларини муҳокама қилди, дея қайд этилган материалда.

Бундан ташқари, “London Post” Ўзбекистон — Франция муносабатларининг бугунги ҳолатига бағишлаган мақолани ўқувчилар эътиборига тақдим қилди. Унда Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги идоралараро даражадаги ҳамкорлик кенг йўналишларни қамраб олиши қайд этилган. 2023 йил 2 ноябрь кунини икки давлат раҳбарлари иштирокида бир қатор ҳамкорлик ҳужжатлари, жумладан, таълим, маданий мерос ва ичимлик сув таъминоти инфратузилмасини яхшилаш соҳаларида келишувлар имзоланди.

Ўзбекистон раҳбарининг Францияга давлат ташрифи Венгриянинг “Daily News Hungary” электрон наشري томонидан ҳам кенг ёритилаётди.

“Франция ривожланган индустриал-аграр мамлакат бўлиб, саноат ишлаб чиқариши бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Иқтисодий салоҳият бўйича Франция дунёнинг энг ривожланган етти давлати қаторига қиради, — дейилган мазкур нашрда эълон қилинган мақолада, — Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил октябрь ва 2022 йил ноябрь ойларида Францияга расмий ташрифлари, шунингдек, Франция Президенти Эммануэль Макроннинг 2023 йил ноябрь ойда Ўзбекистонга ташрифи барча соҳалардаги сиёсий мулоқот ва ҳамкорликни изчил ривожлантиришга янги суръат қўшди”.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон ва Франция Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида мунтазам равишда сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказилмоқда. Уларда икки давлат дипломатлари Ўзбекистон — Франция муносабатларининг бугунги ҳолати, олий даражадаги ўзаро ташрифлар чоғида эришилган келишувларни амалга ошириш, шунингдек, ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини кенгайтириш масалалари муҳокама қилиняпти. Франция Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш, шунингдек, ЕИ билан

Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги янги битимни тезроқ имзолаш борасидаги сайё-ҳаракатларини янада қўллаб-қувватлашга тайёр.

Жанубий Кореянинг нуфузли “UN Journal” босма нашрида ҳам Ўзбекистон — Франция ҳамкорлигига бағишланган мақола босилди.

Унда Франция Президенти Эммануэль Макроннинг 2023 йил 2 ноябрь кунини Самарқандга ташрифи чоғида ўзаро муносабатларини стратегик шериклик даражасига олиб чиқиш борасидаги сайё-ҳаракатлари эълон қилинганни ҳамда “яшил” энергия, хомашё қазиб олиш ва қайта ишлаш, инновацион қишлоқ хўжалиги, сув таъминоти, логистика, инфратузилмани ривожлантириш каби соҳаларда янги йирик лойиҳаларни илгари суриш чора-тадбирлари муҳокама қилинганни таъкидланган.

Хусусан, савдо-иқтисодий ва инвестициявий шериклик муносабатларини ривожлантиришдан икки давлат манфаатдор экани қайд этилган. Ўзбекистонда яратилган қўлай ишбилармонлик муҳити ва сармоявий имкониятлар француз бизнеси вакиллари тобора кўпроқ жалб қилмоқда.

“2024 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ўтган йилга нисбатан қарийб 14 фоизга ошиб, 1,2 миллиард долларга етди. Бугунги кунда Ўзбекистонда француз шериклар иштирокидаги 50 та корхона, жумладан, 23 таси 100 фоиз француз капитали билан фаолият юритмоқда”, дея қайд этган “UN Journal”.

Маълум қилинганидек, “Total Eren”, “Veolia”, “EDF”, “Orano”, “Lactalis”, “Carrefour” ва “Shiever” каби жаҳон миқёсидаги компаниялар Ўзбекистонда энергетика, геология-қидирув, озиқ-овқат саноати ва чакана савдо соҳаларида фол ишляпти. Франция тараққиёт агентлиги Ўзбекистонда шахар инфратузилмаси, “яшил иқтисодиёт”, санитария, гидроэнергетика ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш лойиҳаларида иштирок этмоқда.

Иорданиянинг етакчи “Ammon News” электрон нашрида Президент Шавкат Мирзиёевнинг Францияга давлат ташрифи ва Ўзбек-француз ҳамкорлиги истиқболари бағишланган тахлилий мақола эълон қилинди.

Электрон нашрининг ёзишича, савдо-иқтисодий, сармоявий ва молиявий соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, Франциянинг етакчи компания ва муассасалари билан ҳамкорлик лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилади.

Мақола якунида “Бугунги кунда Ўзбекистон — Франция муносабатлари жадал ривожланиб, сиёсат ва иқтисодиётдан тортиб, фан, маданият ва таълимга-ча бўлган кенг қўламли соҳаларни қамраб олган. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Францияга давлат ташрифи икки томонлама ҳамкорлик тарихидаги муҳим воқеа бўлиб, ташриф давомида илгари суриладиган янги ташаббус ва имзоландиган келишувлар шериклики янада юқори босқичга олиб чиқишга хизмат қилади”, деб ёзган “Ammon News”.

“Дунё” АА

Нуқтаи назар

ДЕПУТАТЛАР МАСЛАҲАТЧИ ЭМАС, ИСЛОҲОТЛАР ИШТИРОКЧИСИГА АЙЛАНМОҚДА

Жиззахдан Шарқ ва Ғарбни боғловчи қадим Буюк ипак йўли вориси — Ўзбекистон темир йўли ва катта магистраль трасса ўтгани боис, бу кўҳна заминдаги ўзгаришлар юртдошларимизнинг ҳам, хорижлик сайёҳларнинг ҳам назаридан четда қолмайди. Хусусан, М-39 халқаро автомобиль йўлининг Жиззах шаҳрини четлаб, қир-адирлар орқали ўтувчи қисмида қисқа муддатда қад ростлаган янги шаҳар — “Янги Ўзбекистон” массиви ҳар бир одамнинг диққатини тортиси табиий.

Моргузар тоғлари этагидаги Сайхон деб аталувчи адирлар бағридаги сайхонликда барпо этилган бу замонавий мўъжаз шаҳарчани вилоятда кейинги беш-олти йилдаги ўзгаришларнинг рамзи, дейиш мумкин. 103 гектар майдонда барпо этилаётган замонавий янги турар жой массивида дастлабки босқичда қурилиши режалаштирилган жами 1450 хонадондан иборат, 9 ва 16 қаватли 29 та уй, янги мактаб, мактабгача таълим ташкилоти ва бошқа ижтимоий муассасалар бинолари битказилиш арафасида. 2024 йил якунида кўп қаватли уйлардан 13 таси фойдаланишга топширилиб, 688 та хонадонга эгаси кўчиб кирди.

Гап қурилиш ҳақида борар экан, вилоятда беш-олти йил аввал “Обод қишлоқ” дастури доирасида Дўстлик туманидаги Манас қишлоғини, Мирзачўл туманидаги Гагарин шаҳарчасини қайта қуришда республикамизга намуна бўлган тажриба бугун ҳам изчил давом эттирилаётганини таъкидлаш жоиз.

Вилоятда ўтган йили 5 та манзилли дастурга асосан умумий қиймати 1,9 триллион сўмлик жами 637 та иншоотда қурилиш қилинди. Жумладан, ушбу дастурларда 4500 хонадонга мўлжалланган уй-жойлар қуриш белгиланган бўлиб, 2024 йилда 3317 та оила янги уйга кўчиб кирди.

2024 йилда вилоятда 1 миллиард 28 миллион долларлик хорижий инвестиция ва кредит ўзлаштирилди. Ушбу сармоялар ҳисобига амалга оширилган лойиҳалар самараси ўлароқ 10 минг 500 та янги иш ўрни яратилди.

Масалан, Жиззах шаҳрида “BYD Jizzakh” МЧЖ томонидан йиллик қуввати 50 минг дона замонавий электромобиль ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилди ва 1200 киши ишли бўлди. Ғаллаорум туманида “ADM Jizzakh” МЧЖнинг 2-босқичи ишга туширилиб, корхонада йиллик ишлаб чиқариш қуввати 5 минг донадан 32 минг донага етказилди ва 1300 та янги иш ўрни яратилди.



Туманлар марказларида оқова сув чиқариш ва тозалаш иншоотларини қуриш, кўп қаватли уй-жой фондини яхшилаш, иссиқлик тизимларини таъмирлаш лойиҳаларига ҳам қўшимча ресурслар жалб этилиши режалаштирилди. Пахтакор, Зафаробод, Арнасой, Дўстлик, Зомин ва Мирзачўл туманларида электр таъминотини яхшилаш учун қўшимча ускуналар ўрнатиш, узатиш тармоқларини янгилаш каби лойиҳаларни амалга ошириш учун ҳам республика ва халқаро молия институтлари маблағлари жалб этиляпти.

Шубҳасиз, энг катта ва биринчи ўриндаги вазифа ижтимоий соҳаларни ривожлантиришдан иборат. Ушбу бош вазифадан келиб чиқиб, ўтган йили Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловдан сўнг ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга ёндашувларда ҳам жиддий ўзгаришлар юз бермоқда.

Давр олдимизга янги вазифалар қўймоқда. Эндиликда вилоят кенгаши фақат йигилиш ўтказиб, тавсиялар ишлаб чиқадиган тузилма эмас, чинакам халқ ҳокимияти органига айланмоқда. Халқ депутатлари кенгашларида маҳаллий бюджетни шакллантириш, ҳудудларни ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, ижроси устидан изчил назорат ўрнатиш, ижро ҳокимияти раҳбарларининг ҳисобот ва ахборотларини тинглаш учун самарали механизмларни жорий этиш масалалари ҳам кенг муҳокама қилинмоқда.

Кенгашда вилоятни ривожлантириш билан боғлиқ қарорларни қабул қилиш, бюджетни тасдиқлаш ва ижросини назоратга олишда, давлат ижроия ташкилотлари амалдорларидан ҳисобот талаб қилишда кенгашининг доимий комиссиялари, депутатлар гуруҳлари фаолияти ҳам фаоллашмоқда. Депутатларнинг вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда давлат дастурлари асосида ишлаб чиқилган лойиҳаларнинг ба-жарилишида иштироки ортмоқда.

Депутатларнинг, доимий комиссияларнинг, депутатлар гуруҳларининг аниқ режалар асосида халқ билан яқин мулоқотда бўлиши, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиши, одамларни тадбиркорликка жалб этишга алоҳида эътибор қаратилиши ҳудудларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришдаги катта имкониятлардан биридир. Эндиликда бу иш доимий ва тизимли жараёнга айланиб бораётди. Тасдиқланган режа-график асосида турли даражадаги давлат идоралари раҳбарларининг аҳоли билан ўтказилаётган учрашувларида, сайёр қабулларида Президент томонидан қўйилган вазифалар асосида ижтимоий масалалар ечимига эътибор қўйилмоқда.

Буларнинг барчаси, шубҳасиз, яхши ўзгаришлардир. Ҳаётимизни янада яхшилаш сари қилинаётган бу ўзгаришларнинг барчаси давлат дастурлари, белгилан берилган устувор вазифалар асосида мамлакатимизнинг барқарор ривожланишини таъминлашга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятли.

**Парда ШУКУРОВ,
Халқ депутатлари Жиззах
вилояти кенгаши раиси**

Худудлар ҳаёти

АВВАЛ ИШЧИ ЭДИ, ЭНДИ ИШ БЕРУВЧИ

Машҳура Аббосова ишлаш учун турмуш ўртоғи билан хорижга кетди. Оиласидан узоқда яшаш, фарзандлари соғинчи олдида топган даромади татқида, ҳеч гап бўлмай қолди. Кейин эр-хотин ватанга қайтди. Аввалига уйда қорамол бокди. Шароит тўғри келмагач, беданачиликни йўлга қўйди. Мана, икки йилдирки, рўзгорларига кут-барака, кўнгиллариға хотиржамлик кирди.

— Мусофир бўлсангиз, ватанингиздаги имкониятларни кўз олдингиздан ўтказар экансиз, — дейди Оққўрғон туманидаги Қўрғонча маҳалласида яшовчи Машҳура Аббосова. — Ўшанда хонадонимиздаги етишмовчилик сабаб узоқ юртга кетишга мажбур бўлгандик. Бироқ хорижда ўз юртимизда ҳам яхши даромад олиш мумкинлигини англаб етдик. Айни пайтда ҳовлимиздаги қўшимча бинода 1000 дан зиёд бедана бокяпмиз. Кунига 300 тадан 500 тагача бедана тухуми йиниги оламиз. Ҳар бир тухумнинг улгуржи баҳоси 500 сўм. Асосий харидорларимиз маҳаллий бозор, дўконлар. Бедана гўштини эса турли тамаддихоналарга топширамыз. Яқинда маҳалламиздаги ҳоким ёрдамчисига кредит олиш учун мурожаат қилгандик, 33 миллион сўм имтиёзли кредит беришди. Беданачилик даромадимиз ошишига туртки бўлади, албатта. Тез фурсатда уй шароитида бедана тухумидан полапонлар очирини йўлга қўймоқчимиз. Шунинг ортдан оила аъзоларимизнинг уч нафари доимий иш билан ўзини ўзи банд қилди.

Яна бир қаҳрамонимиз Нишонали Эшматов ҳам шу маҳаллада яшайди. Айни пайтда 8 сотих иссиқхонада резаворлар етиштирмоқда.

— 2018 йили хорижга деҳқончилик қилиш учун бориб, тарвуз етиштириш бўйича тажриба алмашдим, — дейди Нишонали ака. — Қишлоққа қайтгач, аввалига томорқада кичик иссиқхона курдик. Даромади ёмон бўлмади. Ҳар йили олган фойдамизнинг тенг ярмига уни кенгайтириб бордик. Биласиз, иссиқхоналарни иситиш қийин, ёқилғи қиммат. Шу боис, термос усулида совуққа чидамли маҳсулотлар етиштирамиз. Бу усулнинг қўлайлиги шундаки, киши кунлари ташқарида ҳарорат 3-5 даража совуқ бўлса ҳам ичкарида 20 даража иссиқ бўлади. Ҳозир редиска ҳамда салат бағри етиштирялмиш. Экинларни томчилатиб сугориш натижасида сувни ҳам тежаяпмиз. Бўшаган майдонга пешма-пеш булғор қалампир, помидор кўчатлари экамиз. Ўтган йили булғор қалампирдан 70 миллион сўм даромад олдик. Иссиқхонадан йилгига 100 миллион сўм соф фойда олиш мумкин. Фақат ишлаш, изланиш керак.

Нишонали ака томорқасида биогумус ҳам етиштиради. Сабаби, бир йилда уч марта ҳосил олиш учун ер кучли бўлиши керак. Кимёвий ўғитлар эса вақт ўтиб, унумдорликни сустайтиради. Бундай кезларда биогумуснинг кучи ерга қайта жон

бағишлайди. Нишонали аканинг таъбири билан айтганда, қўлдан берганга куш тўймайди. Меҳнат қилган одам эса кам бўлмайди.

Қўрғончалик Бобур Исмоиловга асаларичилик ота мерос. Олти йил муқаддам 7 та оила асаларини парвариллашдан иш бошлаган Бобуржон бугун уларнинг сонини 200 тага етказган. Яна маҳалладаги хонадонларга ҳам корпорация усулида асалари оилаларини етказиб беришни йўлга қўйган. Ҳар бир асалари оиласи бир мавсумда 15 килограммдан бол йиниб беради. Маҳаллада 30 дан зиёд хонадон эгалари у сингари асаларичиликни йўлга қўйган.



“Бугун Оққўрғон туманидаги Қўрғонча маҳалласида хорижда ишлаб қайтганлар билан ишлаш тизимли йўлга қўйилган. Мазкур маҳалладаги 625 та хонадонда 3435 киши истиқомат қилади. Улардан 55 нафари ишсиз бўлса, 18 нафари камбағал оила реестрига киритилган.”

“Фарҳод ва Чаросхон” хусусий корхонаси раҳбари Саидмуҳаммад Турсунов ҳам хорижда ишлаб қайтганлардан.

— Саккиз йил аввал хонадонимизда икки мингта бройлер жўжа парвариллашди, — дейди у. — Кейин шартнома асосида ишлаш учун хорижга кетдим. Уйга қайтгач, товуқ етиштиришни йўлга қўйдим. Йилгига 15 мингта бройлер жўжа етиштиряпмиз. Ишонсангиз, аввал чет элга ишчи бўлиб борган бўлсам, бугун корхонада жами ўн нафар ёшни иш билан банд этганман. Бошқача айтсам, аввал ишчи эдим, энди иш берувчиман.

Дарҳақиқат, бугун Оққўрғон туманидаги Қўрғонча маҳалласида хорижда ишлаб қайтганлар билан ишлаш тизимли йўлга қўйилган. Мазкур маҳалладаги 625 та хонадонда 3435 киши истиқомат қилади. Улардан 55 нафари ишсиз бўлса, 18 нафари камбағал оила реестрига киритилган.

— Худудимизда 12 та тадбиркорлик субъекти бўлиб, ўтган йил давомида 65 фуқарога 736 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди, — дейди маҳалла фуқаролар йигинидаги ҳоким ёрдамчиси Ҳусан Баҳоров. — Иш фаолиятим давомида 9 фуқарога субсидия асосида 35 миллион сўмлик асбоб-ускуналар берилган бўлса, 109 фуқаро доимий ишга жойлаштирилди. 11 фуқаро шартнома асосида ишлаш учун хорижга юборилди, кам даромадли мигрантларнинг 19 нафари юртга қайтарилиб, доимий бандлиги таъминланди. Сайхун-обод тажрибаси бўйича 5 та хонадон танлаб олиниб, уларга 6 турдаги ёрдам кўрсатилди. Уйчи тажрибаси асосида 32 та микролойиҳа ташкил этилиб, 390 миллион сўм имтиёзли кредит ҳисобига 59 фуқаро банд қилинди. 10 та хонадонда 4 сотихдан иссиқхоналар барпо этилди. Шунингдек, 4 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил қилинди.

Жорий йилда юқорида айтиб ўтилган 55 нафар ишсизга 610 миллион сўм кредит ажратиш режалаштирилган. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 10 сентябрдаги “Деҳқон хўжаликлари ташкил этишни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, 79 фуқарога ажратилган 24 гектар ерга “Бир контур — бир маҳсулот” тамойили асосида सबзавот, кўкат, қарам ва дуккакли экинлар экиш белгиланган. Худуддаги 2 гектар майдонда 20 фуқаро учун иссиқхона қурилади. Бир сўз билан айтганда, ҳоким ёрдамчиси кўмағида 110 фуқаронинг бандлиги таъминлангани ҳудудда намунали ишлар олиб борилаётганига яққол мисолдир.

**Нигора ЎРОЛОВА,
журналист**



Холмўмин ЁДГОРОВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган юрист

Ўзбекистон халқ
ёзувчиси Ўткир
Ҳошимовнинг “Ярим
аср дафтери” китоби
мутаоаси жараёнида
“Авлодларга нима
деймиз?” сарлавҳали
мақоласига кўзим тушди.
Мақола муқаддам 1988
йилда “Шарқ юлдузи”
журналида босилгани ва
қўлма-қўл бўлиб ўқилгани
эсимда.
Адибимиз ўша
даврнинг ўта муаммолари
масалаларини жасорат
билан қўтариб чиққан ва
бу ҳолатда эртанги кун
авлодларга нима деймиз,
деган саволни қўйган.

Хусусан, адиб мустабид тузум даврида пахта етиштиришни асосий вазифа деб билиб, ерга, табиатга ва одамлар соғлигига қанчалик зарар етказилаётганини куйиниб қайд этиш билан бирга, Оролни асраш, ердан оқилона фойдаланиш ҳамда пахтачини хомашё сифатида арзон-гаровга сотиш ўрнига ундан тайёр махсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, шу орқали қўшимча иш ўринлари яратиш лозимлиги ҳақидаги фикрларини бирор эътирозга ўрин қолдирмаган ҳолда асослаб берган.

Мақолани қайта ўқиб чиқарканман, адиб собиқ шўролар даврида жасорат билан кўтариб чиққан муаммолар — пахта яккахокимлигига барҳам берилгани, мажбурий меҳнат ўтмишида қолгани, Орол билан боғлиқ оғрикларни бартараф этиш юзасидан улкан ишлар қилинаётганини мамнуният билан эътироф этгим келди.

Кейинги йилларда жамиятимизнинг деярли барча жабҳаларида инсон манфаати, унинг бахтли яшашини таъминлаш борасида зарур ислохотлар амалга оширилди ва бугун у самарасини кўрсатмоқда. Бошпанага муҳтож юз минглаб аҳоли уйли-joyли бўлди, имконияти чекланган фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси кучайтирилди, ёшлар таълим ва тарбиясига катта эътибор қаратилди, вояга етмаган болалар меҳнатига барҳам берилди. Ёпилиб кетган, харобага айланган болалар боғчалари таъмирланиб, қайта тикланди. Энг чекка ҳудудларда ҳам болалар боғчалари қурилди.

Бола ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш борасида қонунийларимиз тақомиллаштирилди. Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (болалар омбудсмани) фаолияти йўлга қўйилди. Хуллас, узоқ йиллардан буён халқимиз орзусига айланиб келган масалаларнинг аксарига ечим топилди, бор муаммолар устида доимий ишланмоқда.

Пойтахт ва катта шаҳарларни ҳисобга олганда, яқин-яқингача ҳудудларда электр энергияси катта узилдишлар билан суткасига уч-тўрт соат берилар, одамлар ҳам бунга қўникиб қолган эди. Бугун вазият анча яхшилانган.

Пул йўқлиги туфайли ойлик иш ҳақи ва нафақалар ўз вақтида берилмасди. Пластик картчокалар бор, ammo ундан пул ечиб оладиган банкоматлар у ёқда турсин, савдо ва хизмат кўрсатиш дўконларида терминаллар мавжуд эмасди.



Шу билан боғлиқ бир ҳолат хотирамда муҳрланиб қолган. 2016 йилнинг кеч кузига давлатимиз раҳбари топиширигига асосан, аҳоли билан учрашиб, муаммоларни аниқлаш ва ўрганиш учун Бухоро вилоятига бордик. Қайсидир туман ҳокимлигининг зали тўла. Учрашувдан муддаони тушунтириб, нима камчиликлар бор, деганимизда, дастлаб бир оз муддат ҳеч кимдан савдо чиқмади, чунки олдин муаммолар сўралмаган. Кейин соч-соқоли оппоқ, ёши улғў бир отахон минбарга кўтарилди. Отахон “Меҳмонлар, хуш келибсизлар!”, дея сўз бошлаб, халқ яхши яшаётгани, пахта ва ғалла режалари бажарилганини гапирди. Кейин “Бир-икки муаммолар ҳам бор, лекин бунини айтган билан ҳал қилиш имкони борми-йўқми, шунга иккиланиб турибман”, деди. Отахонга тортинмасдан камчиликларни бемалол айтверишини, давлат раҳбари топиширигига кўра, муаммолар ўрганилаётгани ва ечимини топишга ҳаракат қилинишини айтдик. Шундан сўнг у пенсия пули пластик картчокасига ойма-ой тушириб берилаётгани, лекин уни ишлаб ибўлаётгани, пластик картчокадаги пулга бирор нима харид қилиш учун вилоят марказидаги дўконларга бориш кераклиги, бунинг учун эса таксига пул тўлаш лозимлиги ҳақида гапирди. “Хуллас, пластик картчокадан тўёна ҳам қилиб бўлмаётгани сабабли тўйларга боролмаяпмиз, пенсиянинг бир қисmini нақд берса яхши бўларди”, дея сўзларини давом эттирди. Шунга ўхшаш бошқа масалаларда тақлифларини билдирди.

Аҳоли билан илк мулоқот натижасида тақлиф тайёрланди, орадан тўрт кун ўтиб, Президентнинг пенсия тўловларини уни олувчиларнинг хоҳишига қараб нақд ёки пластик картчока орқали тўлаш ҳақидаги қарори чиқди. Барча хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчалари терминаллар билан таъминланди.

Ўтган йиллар мобайнида одамларнинг шароитини яхшилаш, оғирини енгил қилиш борасида амалга оширилган ишларнинг барчасига элимиз шохид бўлиб тургани сабабли уларни бирма-бир санаб ўтишга эҳтиёж йўқ деб ўйлайман.

Лекин шунини айтмоқ жоизки, биз муайян маънода катта орзуларга қилиб, сабр-қаноат ҳамда шукрни унутиб қўяётгандекмиз. Орун-няти қилмоқ яхши, лекин бир соат электр энергияси ёки газ узиллишига катта фожиа деб қарашимиз яхши эмас. Ме-нимча, бу ношукрлик белгиси.

Бир йилгит интернетда чиқиб, ҳақ гапини айтди. Болалигида бир ховлидаги тўрт хонали уйда отаси ва амакилари, жами тўрт оила яшаган ва уларга битта ошхона етарли бўлган. Бугунги кунда ўзи ва укаси ота ховлисидagi саккиз хонали уйда яшаркан. Лекин бунга қаноат қилмай, алоҳида ер участкаси олиб, саккиз хонали уй қурибди. Ҳозир шу ховлидаги камчиликларни битириш учун оила-сидан узоқда, хорижда ишлаб юрган экан. “Ҳам-масига ўзимиз, нафсимиз айбдор”, деб чиройли хулоса қилди ўша йилгит.

Шулар ҳақида ўйларкансан, бундай фикр туғилади. Сулокли адибимиз ҳаётлигидаяёқ ўзи кўтарган муаммоларнинг ҳал этила бошланганига гувоҳ бўлган ва ички қониқиш билан асарларида акс эттирган. Ҳўп, шундай бўлса-да, умри ниҳоясида ўз қўли билан тартиб берган китобига нега юқоридagi мақолани киритган экан? Бу билан муаллифни айрим асрий ижодий фаолияти ҳақида китобхонларга ижобий ҳисобот бериши баробарида замондошларининг келажак авлод олдидagi масъулиятини яна бир бор эслатмоқчи бўлгандир балки. Зеро, келажак бугундан бошланар экан, эртанги кун масъулият бугунги катта ёшли авлод зиммасидадир.

Ахборот асрида яшаяпмиз. Бугунга келиб, ахборот қуролга, хавфсизликнинг муҳим омилига айланди. Қисқаси, шиддат



билан ўзгараётган замон, глобаллашув, ахборот технологияларининг мислсиз тараққиёти катта имкониятлар тақдим этиши билан бирга, мафқуравий курашларни ҳам кучайтирди. Интернет улкан ахборот муҳорабаси майдони бўлди. Бу майдонда ит ёганин, мушук бекасини танимаётгани ҳам ҳақиқат.

Бундай ахборий талатўпда ҳар бир миллат учун ўз маънавий қиёфасини сақлаш, маърифий дунёсини, азалий қадриятларини муҳофаза қилиш бирламчи аҳамият касб этмоқда.

Яқин-яқинларгача фуқароларимиз ўзига керакли, жамият ҳаёти билан боғлиқ ахборотларни газета, журнал, радио ва телевидение орқали оларди. Босма нашрлар кириб бормаган хонадон йўқ эди ҳисоб. Болалик

этанг лавҳаларни болаларимиз кўрмоқда ва бу билан уларнинг онги заҳарланяпти. Биз эса жиммиз.

Интернет даромад манбаига айлангани бор гап, даромаднинг миқдори лавҳанинг неча марта кўрилгани билан боғлиқлиги ҳам маълум. Пул ишлаш илинжида айримларнинг ҳеч нарсадан тап тортмаётгани эса ўта ахлоқсизлик, кеңирилмас ҳодисадир.

Обунасини кўпайтириш илинжида бири чиқиб, “Хотиним қиз тугса, жавобини бераман!” деса, бошқаси “отасини калтаклаши муаммоларини” ҳақида баралла гапирмоқда. Ўзбек тиктокерларнинг қилиги, оғзидан чиқаётган шарм-ҳаёсиз гапларга илон пўст ташлайди. Қани қадрият, қани уят, андиша?

“You Tube” видеохостингига “Костолом Ўзбекистан” номли канал бор. Уни Михаил деган россиялик рус йилгит юритади. Каналда ўзбек миллати, урф-одатлари, бағрикенглиги ҳақида лавҳалар кўп. Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши йилларида Россиядан Ўзбекистонга эвакуация қилинганларнинг фарзанди ёки набирасини топиб, уларнинг ўзбек халқидан миннатдорлиги акс этган интервьюларига кенг ўрин беради. Россияда ишлаб юрган юртдошларимизга ёрдам кўрсатиб келади. Эътиборлиси, Михаил ўз каналда ҳаром нарсаларни намойиш этишдан андиша қилишини айтди. Унинг лавҳаларини кўриб, ўзимизнинг қароқўз блогерлар ҳам ўшандай бўлса эди, миллатимиз, тарихимиз, урф-одатларимиз ҳақида эътиборли чиқишлар қилса эди деб орзу қиласан киши.

Барчаси дея олмаймиз, лекин айрим “ўзимизникилар” бунинг тескарисини қилмоқда. Азалий қадриятларимизга ёт — эр-хотин, қайнота-келин, ёшлар ўртасида бўлган ёки бўлмаган хиёнат, фахш ҳамда турли игво улар “иждий фаолиятида” устувор аҳамият касб этади. Андиша ва уятни бир четга йиғиштириб, моддий манфаат илинжида бошқаларнинг фожиаси оммага ошкор қилинаётганини хусусида фақат афсус билан гапириш мумкин.

Масаланинг ўта оғриқли жиҳати, биринчидан, қадриятларимизга ёт ахборотлар ёшларимизга салбий таъсир кўрсатаётганида бўлса, иккинчидан, бизнинг бунга томошабин бўлиб турганимиз. Кўпчилигимиз мента нима, деган беварқ муносабатда...

Ваҳоланки, минг йилликларга бориб тақалувчи, асрлар синовидан, ота-боболаримиздан ўтиб келаётган қадриятларимиз топталишига йўл қўйиб бўлмайди. Ўзбекона муомала, андиша, ҳурмат, бир сўз билан айтганда, ўзлгимизга, ёшлар тарбиясига бундай муносабатда бўлишга ҳаққимиз йўқ!

Бир зиёли ва тақводор укамиз оила, фарзанд тарбияси борасидаги сўхбат асосида ўн тўрт ёшга тўлиб-тўлмаган ўғли унинг телефонига фахш акс этган видеолавҳани адашиб ташлаб юборганини гапириб, кўзига ёш олиб деди: “Болам бу ёшда бунини кўриши керак эмас эди, у маънавий жароҳат олди, бунини энди қандай тўзатиб бўларди?!”

Аждодларимиз авайлаб-ардоқлаб келган қадриятларимиз — шарқона шарм-ҳаёс, уят, ор-номус бегоналаштириб бораётгани сабабларини мадада, айрим ёшларимиз бундай “маданият”ни қаердан ўрганмоқда?

Албатта, ота-онасидан эмас, интернет ва айрим “медиа юлдузлар ижоди” ҳамда ижтимоий тармоқларда эълон қилинаётган бемаъно турли телесериаллар оқибати бу.

Давлатимиз раҳбари ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб бўлиб келган, ammo биз яшаётган XXI асрда бу масала, ҳақиқатан, ҳаёт-мамонт масаласига айланиб бормоқда, дея бежиз таъкидлагани йўқ.

Дарҳақиқат, ёшларимизнинг кўнгил мулкига, дунёқарашига жароҳат етказиш, ахборот технологиялари орқали тарқатилаётган, миллий қадриятларимизга ёт турли-туман ҳаёсизлик, игво, жаҳолат, зуравонлик каби иллатлар сингдирилиши ва шу йўл билан уларнинг онги заҳарланишининг олдини олиш масаласи бугун ниҳоятда долзарб бўлиб қолди.

Интернет ва оммавий ахборот воситалари орқали маънавиятимизга қилинаётган тажовузулардан ёшларни асраш чораларини ҳозир кўрмасак, эртага кеч бўлади. Бугун эътибор қилмасак, эртага фарзандларимиз тўғри гапга қирмай қўйса, жиноят кўчасига кириб кетса, кейин дод деганимиздан, бошқаларни айбонлаганимиздан фойда йўқ.

Амалдаги қонуничликка кўра, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий масалаларни ҳал этишнинг ўз тартиб ва қондалари бор. Дейлик, кимнингдир ҳуқуқи бошқа жисмоний ёки юридик шахс томонидан бузилса, бу борада ҳуқуқи бузилган шахс тегишли тартибда ваколатли органга оғзаки ёки ёзма мурожаат қилиши мумкин. Мурожаат амалдаги қонун доирасида кўриб чиқиладиган ва тегишли тартибда ҳал этилади.

Жамиятдаги муносабатларни тўғри, одилона тартибга солиш мақсадида қонунлар

билан эътироф этган ҳолда, бундай имкониятдан ғаразли мақсадларда фойдаланишнинг жиддий оқибатлари ҳақида ўйлаш фурсати етганини ҳам таъкидлашимиз лозим.

Бугун интернет сайтлари орқали тарқатилаётган ахборотни цензура қилиб ёки таъкидлаб бўлмаслиги маълум. Ёшларга “Интернетга кирма, кераксиз маълумотларни кўрма”, дейишимизнинг ҳам фойдаси йўқ.

Унда муаммо нимада? Биринчидан, муаммо блогер (муаммолари масалага жамоатчиликнинг эътиборини қаратса майли) масалани ўзича ҳал қилишга киришиб кетаётганида. Иккинчидан, блогерлик пулли хизмат кўрсатиш, дегани эмас. Учинчидан, блогерга турли масалани ҳал қилиш ёки ҳал қилиш йўлида қимларгадир таъсир этиш ваколати берилмаган.

Бугун интернет ресурсларидан фойдаланган ҳолда маълумот тарқатаётган айрим блогерлар амалдаги қонуничлигимизда зуравонлик ва фахши тарғиб қилганлик, инсон шаъни ва қадр-қимматини камситиш, ҳақорат учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланганини унутмаслиги, эълон қилаётган ахборотларининг салбий таъсири ва ҳуқуқий оқибатлари борасида жиддий ўйлаб қўриши лозим.

Бунинг учун, фикримизча, жамиятда медиасаводхонлик ва ҳуқуқий маданиятни ошириш, ёт гоа, зуравонлик ва фахшдан иборат ахборотларга нисбатан, салбий ахборот қайси интернет сайтида намойиш этилган бўлса, айнан ўша сайт орқали унга тегишли муносабат билдириш билан қарши имунитетни шакллантириш лозим.



қабул қилинади ва унга риоя қилиш барча учун мажбурийдир.

Халқимизда “Қочган ҳам, қувган ҳам худо дейди”, деган мақол бор. Демократизм, ҳар ким ўзини ҳақ деб билади. Агар айни масалада бирор тараф ўзини ноҳақ деб билса, ўртадаги низо бартараф бўлади. Низо келиб чиққими, у ҳар тарафлама ўрганилиши ва қонун доирасида ҳал этилиши лозим ва бунга фақат ваколатли органлар ҳақли.

Кези келганда қайд этиб ўтиш лозимки, амалдаги процессуал қонуничлик талабига кўра, пулли юридик ёрдам кўрсатишга фақат тегишли лицензияси мавжуд адвокатларгина шартнома асосида бошқа шахс манфаати учун иш юрийтиш ваколатига эга.

Биздаги аскар блогерлар очиклик ва ошкораликдан биргина ўз манфаатлари йўлида фойдаланмоқда. Улардан айримлари бунини яшириб ҳам ўтиргани йўқ, битта чиқиш қилишга қанча пул олаётганини ҳам айтмоқда. Ҳатто фуқаро билан шартнома тузиб, шартнома асосида пул олиб, “қонуний” ишлаётганини рўқча қилаётганлари ҳам бор. Зеро, манфаат устуи бўлган жойда холис-ликка путур этиши исбот талаб этмайдиган аксиона.

Илон заҳри аслида, оғу бўлса-да, тўғри ишлатилганда дорига айланади. Интернет бугун ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисми. Ёшларимиз орасидан етук дастурчилар, ахборот-коммуникация технологиялари мутахассислари етишиб чиқмоқда. Бунини мамнуният

Юқорида қайд этганимиздек, давлат томонидан ёшларимизга бочча ёшдан бошлаб, то вояга етгунга қадар гамхўрлик кўрсатиш, илми, билимни этиш, соғлигини асраш борасида жамики лозим ишлар қилинмоқда.

Ота-она ва жамоатчилик зиммасида қолаётган бурч, вазифа фарзандлар юриш-туришидан оғоҳ бўлиш, улар тарбияси билан номига эмас, чин маънода мунтазам шуғулланишдан иборат бўлмоғи лозим.

Ушбу масалага муайян идора ё ташкилотнинг вазифаси деб эмас, бутун жамият аъзолари, зиёлилар, ота-оналарнинг олдидagi муҳим вазифа деб қараш керак.

...Қабри нурга таттинимиз, Ўткир Ҳошимовнинг мақоласига қайта-қайта кўз югуртириб, ўйга чўманам. Юқорида қайд этилган ҳолатларга унинг назари билан қарашга ҳаракат қиларкан... Назаримда, Ўткир ака бугунги кунда ҳам эртага авлодларга нима деймиз деб савол бераётгандек туюлаверади...

Дарҳақиқат, ҳозирда аксарият ёшларимиз асосий маълумотни интернет сайтларидан олаётганини била туриб, уларни қадриятларимизга ёт гоа ва тушунчалар, физку фасод, шарм-ҳаёсизлик тарғиб қилинаётган ахборотлар ўртасига ташлаб қўйсақ, бунга муносабат билдирмасак, фақат салбий маълумотлардан баҳра олиб вояга етаётган фарзандларимиз тарбиясига, дунёқарашини шаклланишига беварқ қарасак, асрий қадриятларимизга путур етса, эртага авлодларга нима деймиз?

БИР ТАЖРИБА МОҲИЯТИ

ЁХУД САЙХУНОБОДДАН БОШЛАНГАН ЭЗГУ ТАШАББУС ДОИРАСИДАГИ МУЛОҲАЗАЛАР

Бозорбой БЕРКИНОВ,

Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори,
Институционал ва иқтисодий тадқиқотлар маркази
илмий раҳбари



Президентимиз ўтган йил 14 январда Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманига ташири давомида Иттифоқ маҳалласи ҳудудига имкониятлардан фойдаланиб, томорқадан мўл ҳосил етиштириш, уни халққа етказиб беришда жонбозлик кўрсатиб, юқори самарага эришиш мумкинлигини туман аҳолиси эътиборига ҳавола қилди. Ўшбу туманда амалга оширилаётган тажриба натижаларини давлатимиз раҳбари бошқа вилоятларда ҳам кенг жорий қилиш зарурлигини таъкидлаб, бунинг учун қандай йўл тутиш борасида аниқ ҳисоб-китоблар билан асосланган топшириқлар берганди.

Сайхунобод тажрибаси, дея эътироф этилган мазкур ташаббус бутун нафақат маҳаллалар ва қишлоқ ҳудудлар, балки бутун иқтисодиётимиз инклюзив ривожини учун ҳам муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга катта ҳаракатга айланди. Давлатимиз раҳбарининг жуда қисқа вақт ичида Сайхунобод тажрибасини ҳар бир маҳаллага жорий қилишни қатъий белгилаши тажрибага “яшил маҳалла”ни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий модели сифатида қараш имкониятини беради.

Кенг қўламли тавсифга эга бўлган ўшбу тажриба модели нафақат мамлакатимиз ичида, балки хорижий давлатлар ҳудудларининг кичик тузилмаларида ҳам қўлашга йўл очади. Яъни Сайхунобод тажрибаси ишисиз одамлар бандлигини таъминлаш, камбағалларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, даромадларини оширишнинг асосий мақсади ва манбаига айланди. Шу маънода, мазкур ташаббусни бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг қўлоч эзаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнидаги ҳақиқат, десак тўғри бўлади. Бинобарин, унинг замирида меҳнаткаш халқимизни иш билан тўлиқ банд қилиш орқали фаровон ҳаётни таъминлаш ётади.

Сайхунобод илгари Мирзачўл текислигида жойлашган ҳосилсиз ҳудуд эди. Етарли ўзлаштирилгач, ҳозир аҳолиси зич яшайдиган обод деҳқончилик ва чорвачилик туманига айланди. Туманининг асосий бойлиги ер-суви ва меҳнаткаш халқидир. Ер инсонини боқайди. Ундан тўғри фойдаланган одамни эса бой қилади.

Мамлакатимиз аҳолиси 37 миллион кишидан ошди. Бу ишлайман, яхши яшайман деганлар сафи ҳам тобора кенгайиб борапти,

дегани. Ўрганиш ва тадқиқотларга кўра, маҳаллалардаги 20-25 фоиз аҳоли ўз бизнеси бўлишини истайди. Бунинг учун булғуси тадбиркорга дастлаб ўз маблагга ёки имтиёзли банк кредити ҳамда “маҳалла еттилиги”



кўмаги, қолаверса, тижорат банкининг хайрихоҳлик билан ёндашуви зарур. Шу боис, бугунги кунда ҳамма вилоят, туман, шаҳар ва маҳаллалар бошқарув тизимларида бунга муносиб эътибор қаратишмоқда.

Президентимиз тадбиркорлар билан 2023 йилги очиқ мулоқотида иқтисодий тараққиётимизнинг янги даврини бошлаб берадиган муҳим ташаббуслар ҳақида

гапириб, тадбиркорлик ривожини янги босқичга кўтаришнинг устувор 5 та йўналишини асослаб берган эди. Унда маҳалла тизимида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш орқали юқори даромадли йирик корхоналарни кўпайтириш, янги бозорларга сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар билан кириш, қишлоқ ҳўжалигида кластер тизимига ўтиш муҳим ташаббус сифатида илгари сурилганди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш, унинг жамиятдаги ролини тубдан ошириш, аҳоли муаммоларини ҳал этиш ва маҳалла бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳукуматимиз, шаҳсан Президентимиз диққат-марказида турибди. Шуларни ҳисобга олсак, бугунги кунда кичик бизнес маҳаллаларга амалда янги муҳит олиб қирмоқда. Одамларни меҳнатга ундаб, фаровон ҳаёт кечиришга бўлган ишончини мустаҳкамламоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 9 мингдан зиёд маҳалла мавжуд. Сирдарё вилоятида эса улар 236 тани, уй ҳўжалиги аъзолари сони 173,3 минг нафарни ташкил этади. Уй ҳўжаликларининг



57 фоизиди 5 ва ундан кўп киши истиқорик қилади. Республика миқёсида бу кўрсаткич 61,4 фоизга тенг. Ўшбу рақамлар Сирдарё вилояти оилаларида яшовчи аҳолининг ўртача катталиги қисқариб бораётганини кўрсатади.

Вилоятда аҳоли жон бошига 2023 йилда умумий даромад 16,8 миллион сўмга, реал даромад эса 15,3 миллион сўмга тенг



бўлган. Бу кўрсаткичлар 2022 йилдагига нисбатан мос равишда 2,2 ва 2,1 миллион сўмга ошган. Аммо республика бўйича аҳоли жон бошига умумий даромадини ўшбу вилоят билан солиштирсак, 2023 йилда 3,2 миллион сўмга, реал даромад эса 2,9 миллион сўмга кўплиги аён бўлади.

Тажриба олиб борилаётган Сайхунобод туманида 19 та маҳалла бор. Уларнинг ҳар бири биттадан кичик тракторга, 4 донадан култиваторга эга. Маҳаллада 1 сотих ердан 1-2 миллион сўм даромад олиш мезон тариқасида қабул қилинган. Томорқа ерларни ҳайдаш ва экин экиш хизматлари агрономлар билан бирга амалга оширилади.

Шунингдек, туманда экспортга қўмаклашувчи корхона очилиб, уставиға 1 миллиард сўм киритилиши режалаштирилган. Бу

бериш, ер муносабатларини шакллантириш каби муҳим ислохотларни ўз ичига олади.

Мамлакатимизда Сайхунобод тажрибаси дастлаб аҳолиси зич яшовчи Наманган, Андижон, Фарғона вилоятларида кенг йўлга қўйилган бўлса, энди бутун республика бўйлаб оммалашмоқда. Бунинг Бухоро вилоятида бажарилаётган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Сайхунобод тажрибаси асосида Бухоро вилоятида ҳар бир маҳалладан камбағал, даромадли меҳнат билан шугулланмишга иштиёқи бор 7 тагача ночор хонадон танлаб олинган. Уларга ҳудуддаги етакчи тадбиркорларни жалб қилган ҳолда лаёқатига мос равишда чорвачилик, паррандчилик, асаларичилик, кўнчилик, балиқчилик қабилар билан бирга томорқа ҳўжалигини ривожлантириш, шунингдек, 3 сотихлик иссиқхоналар ташкил қилиб, оилаларнинг бир йилда 50 миллион сўмдан ошириб даромад топишига қўмаклашиш чора-тадбирлари кўрилган.

Маҳаллаларга бириктирилаётган тижорат банклари масъулари жойлардаги ҳоким ёрдамчилари кўмагига сараланган хонадонларда даромад манбаини яратиш, томорқа маданиятини шакллантириш, сабзавот-полиз маҳсулотлари етиштириш, кўчат ўтказиш, ободонлаштириш, қўлазмзорлаштириш, бошқа хизматлар кўрсатишга шахсан жавобгар ҳисобланади. Ўшбу таҳлиллар Сайхунобод тажрибасини “яшил маҳалла” тизими сифатида инклюзив ривожлантириш имкониятларини кенглиги ва давлат томонидан тажриба кенг қўллаб-қувватланаётганини кўрсатади.

Маҳалла тизимини ҳар томонлама ривожлантириш давлатимиз раҳбари фармонлари, қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси расмий ҳужжатларида белгилаб қўйилган институционал қоида ҳамда мезонларга асосланган. Булар хорижий тажрибалар, шунингдек, Сайхунобод тажрибаси бўйича яратилган шарт-шароит каби қатор омилларни ўз ичига олади. Маҳаллада аҳолининг демографик

корхона 4 минг хонадонга серҳосил қовоқ, мош, ловия, розмарин, брокколи, тимьян уруғини етказиш, етиштирилган маҳсулотини сотиб олиб, экспорт қилади.

Сайхунобод тажрибаси ердан янада самарали фойдаланиш, деҳқонлар учун бозор топишга қўмаклашиш, тадбиркорларни сифатли уруғ ва дори воситалари билан таъминлаш, уларнинг экспортга амалий ёрдам



ҲАР КИМ ЭЪЖАБИНИ ЎРАДИ

ОДИЛОНА МУҲИТ ҚАРОР ТОПИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН РЕЙТИНГ

олишда ижтимоий ҳолати — ҳам таъминлагани, ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлганларни ишга олиш, экспорт ва импорт масалалари инобатга олинади. Рейтингда паст натижа қайд этган тадбиркорларга давлат томонидан чора кўрилади.

Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини жорий этилганга бир йилдан ошди. У қандай ишламоқда? Баъзилар бу фақат давлат манфаатларини ҳимоя қилиши ҳақида гапирса, айримлар инсон омили орқали рейтингдаги ўринни алмаштириш мумкинлиги тўғрисида айтмоқда. Ҳатто рейтингдаги ўрни қуйида бўлса, жазо чораси кўрилишидан хавотирда юрган юридик шахслар ҳам учраб турибди.

— Рейтинг Солиқ қўмитаси томонидан онлайн шакллантириб, Савдо-саноат палатасининг расмий веб-сайтида эълон қилиб боришмоқда, — дейди Солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи Комил Сайидов. — Шунингдек, тадбиркорлар ўзининг мобил иловаси орқали рейтингдаги кўрсаткичларини билиб олиши мумкин. Аввало, бу тизим тадбиркорлик субъектларини жазолаш эмас, балки рағбатлантириш учун хизмат қилади.

Яъни тадбиркорлик субъекти қуйи ўринда турса, унга ҳеч қандай жазо қўлланмайди, аксинча юқори ўринда турса, рағбатлантирилади.

Энди рейтинг ҳақида батафсил тўхталсак. Рейтингнинг ўзига хос мезон ва тартиб-тамоийллари ишлаб чиқилган. Унга кўра, тадбиркорлик фаолият даври, тўлов интими, аҳоли бандлигидаги ўрни ва иш ҳақи каби 23 та мезон асосида 4 тоифага: юқори, ўрта, қониқарли, қуйи даражаларга ажратилади. Тоифага ажратиш солиқ, адлия ҳамда суд органлари маълумотлари орқали шаклланади.

Мезонларнинг аҳамияти нимада? Айтайлик, олдин тадбиркорлар, қозғода бир-икки-та ишчисини бор-у, амалда ўнлаб одамни кам ойлик иш ҳақи орқали меҳнатга жалб қиларди. Ёмони уларнинг ҳақ-хўқуқлари тадбиркорнинг ихтиёрида эди.

Биргина мисол. Ўтган йили қишлоқда яшовчи бир танишмин шаҳарга ишлаш учун келганди. Мебель цехига ишга кириди. Иш вақти, ойлик бораида ташкилот раҳбари билан оғзаки белгиланган вақтдан кўп ишлаган. Устига устак, уч ойлик иш ҳақини ҳам



ололмаган. Тадбиркорнинг устидан ишқот қилай деса, расмий ишга қирмаган, охир-оқибат пулни ололмаслигига қўзи етиб, қишлоққа қайтди. Бу каби ҳолатлар кўп учраб турарди. Аксарият ҳолда вилоятдан иш излаб келганлар ётоқхона учун ҳам чумчуқ ризқидек ойликка кўниб яшашига мажбур бўлади.

Рейтингда бу каби ҳолатларнинг олдини олиш назарда тутилганми? У ишбилармонларга қандай имкониятлар берди?

Юқори ўринда бўлиш имкониятни оширади

Энди ишчилар сони ҳамда уларга берилган ойлик маошга қараб ҳам тадбиркор рейтингда балл олиши ва қўшимча имкониятга эга бўлиши мумкин. Агар корхона ишчилар ойлгини оширса, балл ҳам кўпаяди.

Шунингдек, рейтингни юқори тадбиркорлар, хусусан, “ААА” кўрсаткичига эга ишбилармонлар учун барча солиқ текшируви бекор қилинади. Яна бир муҳим жиҳати шуки, қўшимча қиймат солиғи орқали текширувларсиз 1 кунда қайтариб берилади.

Тадбиркор учун энг муҳим восита — пул. Ўз вақтида тўғри йўналтирилган маблағ катта фойда келтириши мумкин. Базан бизнесда маблағ етишмаслиғи ҳолати учраб қолади. Оқибатда ишда оқшашлар кузатилади. Энди юқори рейтингдаги тадбиркорлар

ўз вақтида қўшимча қиймат маблағини қайтариб олиб, фаолиятини кенгайтириш учун йўналтириш имконига эга бўлади. — Рейтинг тизими 2024 йил 1 февралдан ишга туширилганда кўпчилик тадбиркорларда унга нисбатан ишончсизлик бор эди. Аммо кейинчалик бу тизимнинг шаффоф, инсон омилидан холи ва ишбилармон учун манфатли эканини билганлар юқори рейтинг олиш учун ҳаракат қила бошлади, — дейди тадбиркор Жамшид Исмаилов. — Биз ҳам эрталаб ишни бошлашдан аввал йиғилиш ўтказамиз. Рейтингда қайси мезонларда оқсаётган бўлсак, ўша жиҳатни тўғрилашга ҳаракат қиламиз.

Бундан ташқари, тизимда юқори балл олган икки ва ундан кўп тадбиркорлик субъектлари давлат активлари, яъни ер сотиб олишда бошлангич тўловнинг 35 фоизини тўласа, қолганини 7 йил мобайнида тенг бўлиб тўлаш имконига эга бўлади. Яна “А” ва ундан юқори позициядаги тадбиркорлик субъектларига ҳам қўшимча қиймат солиғидан бошқа солиқ турларининг ортқча тўланган суммаси 3 кунда қайтариб берилади. Шунингдек, товарларни импорт қилиш ва сотишда қўшилган қиймат солиғи божхона ва солиқ органларида ўзаро ҳисобга олинади.

Адоллати тизим ўз мевасини бермоқда. У ишга туширилганда юқори рейтингда 700 дан ошмиқ тадбиркорлик субъекти бўлган бўлса, 6 ойда 8000 дан ошган. Бу шунча тадбиркор юқорида таъкидланган имконият

таркиби ва ўсиши, инсон капитали самараси, аҳоли бандлиги ҳамда камбағалликни қисқартириш билан боғлиқ тадбиркорлик фаолиятига инвестиция қиритиш, инновацион технологияларни кенг жорий қилиш, маҳалла миқёсида шартнома муносабатларини кучайтириш, инфратузилмани ривожлантириш ҳамда қонунчилик талабларини сўзсиз бажариш шулар сирасига қиради. Уларда маҳалланинг ривожланиш жараёнига бевоисита таъсир этиш борабариди “Камбағалликдан фаровонлик сари” лойиҳалар ижросини таъминлаш кўзда тутилган. Бунинг учун туман (шаҳар)ларда инклюзив ўсиши таъминловчи ижтимоий ва инфратузилма лойиҳаларига 2025 йилда давлат бюджетидан 1 триллион сўм ажратиш белгиланган.

“Бизнесга биринчи қадам” дастури орқали вазирлик ва идоралар билан биргаликда камбағал оилаларга 2025 йилда 15 триллион сўм кредит ажратилади.

Маҳаллалар ривожини, асосан, тўрт жиҳатга боғлақ. Биринчиси, ўша ҳудуддаги меҳнаткаш, ўз ишини яхши билидиган инсонлар бўлса, иккинчиси сув ресурсларидир. Учинчиси сармоа, тўртинчиси эса, албатта, ҳудудда тадбиркорлар мавжудлиғи. Уларнинг ҳар бири маҳалла иқтисодиётининг таянч нуқталаридир. Сайхунобод тумани тажрибасида ана шу фундаментлардан самарали фойдаланишга асосий эътибор қаратишмоқда.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурида камбағал оилалар рўйхатини тузиш, оилаларнинг камбағалликка тушиш сабабларини билиш ва шу асосда туман (шаҳар) маҳаллалари кесимида оилаларни камбағалликдан чиқариш, шундай оилалар ижобий тажрибаларини оммалаштириш ва рағбатлантиришга энг устувор ташкилий назифа сифатида қаралади. Шу ишлар тўғрисида жорий йилда мамлакатимиз бўйича 2024 йилдагига қараганда 2 баробар кўп аҳоли камбағалликдан олиб чиқилди. Раҳбарларини 5 тадан камбағал оилалар бириктириш 2025 йилда 2024 йилдагидан 2 қарра ёки 70 мингдан 140 мингтагача ошади. Ўшбу чора-тадбирлар Сайхунобод тажрибасига таяниб кенг ривожланишни тезлаштириш ҳамда ҳар бир оиланинг иқтисодий барқарор яшашини таъминлашга йўл очиб беради.

Ўзбекистонда кейинги йилларда босқичма-босқич олиб боришган ислохотлар тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи — маҳалланинг халқ билан давлат ўртасида ишончли кўприк бўлиши амалда таъминланди. Бунинг учун маҳаллалар фаолияти изчил қўллаб-қувватланыпти. Улар манфати ҳимоя қилинапти. Маҳалла тизимини ривожлантиришнинг қонунчилик асослари ҳамда институционал механизмлари ишлаб чиқилиб, амалиётга киритилмоқда.

Қишлоқ маҳаллаларини қўллаб-қувватлаш, аҳоли яшаш шароитини яхшилаш ва даромадларини кўпайтиришга қаратилган ҳамда тадбиркорликка янада кенг йўл очган учун Сайхунобод туманида ўтказилаётган агроасаноат тажрибаси муносиб натижаларга етаклаётгани билан аҳамиятли.



Жамиятдаги иқтисодий барқарорликнинг бош омили адолатли муҳит билан ўлчанади. Яъни яратилган қулай муҳит ортидан ишбилармонлар фаолияти кенгайиб, ўз ишидан манфаатдорлиғи ошади. Давлат эса улардан тушган солиқ ва бошқа тушумларни ишсизликнинг олдини олиш ва ички бозорнинг жаҳон бозорига қарамлигини камайтириш, бошқа тармоқларни ривожлантиришга йўналтиради.

Яқин йилларгача тадбиркорликни бошлаган, аммо иши охирига етмай қарзга ботган ёки савдо-сотикдаги тўсиқлар, қўшимча қиймат солиғини ололмай кунора солиқ идорасини эшигига саргайиб, ҳам вақтинчи, ҳам нақднинг йўқотганлар ҳақида кўп эшитганмиз.

Ёки бунинг акси ўларок, “яширин иқтисодиёт”нинг, яъни давлат ва жамият томонидан назорат қилинмайдиган, солиқлар тўланмайдиган, расмий давлат статистикасида қайд этилмайдиган иқтисодий жараёнлар, фаолиятлар ҳам учраб турарди. Бундай муносабатлар фақат айрим кишилар ва гуруҳларга манфаат келтирарди. Шунинг баробарида иқтисодий барқарорликка путур етказар, давлат идораларига ишончсизликни пайдо қилади. Тадбиркорлар ҳам турли йўللار орқали солиқлардан қочиш, ҳужжатда ишчиларнинг сонини камайтириш каби қинғир йўللاردан боришга ҳаракат қиларди. Алақоқибат ўзи қилган қилғиликларнинг бадалини тўларди.

Бугун юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш, бизнес учун қулай шароит яратиш ҳамда ишбилармонлар фаолиятига қаратилган ҳар қандай тўсиқни олиб ташлаш борасида илдам қадамлар ташланмоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 23 январдаги “Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қатор муаммоларга муносиб ечим бўлди.

Жазоловчи эмас, рағбатлантирувчи усул керак

Аксарият ривожланган давлатларда тадбиркорлар фаолияти электрон шакллантирилади. Яъни бунда солиқлар ва бошқа тўловларни ўз вақтида тўлаш, ходимларни ишга



ЯНГИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИ

ИЖОДКОРЛИК ВА ИЗЛАНУВЧАНЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Жамиятда бўлаётган тарихий ўзгаришлар янгиланган таълим дастурини четлаб ўтиши мумкин эмас. Келажақ авлодга қандай таълим тизимларини тақдим этиш, болалар муваффақиятга эришиши учун нимани ўрганиши, таълим беришнинг самарали усуллари ва уларни баҳолаш қандай бўлиши керак, деган саволлар бугун кун тартибиди. Янги мезонларга асосланган баҳолаш тизими шу саволларнинг барчасига жавоб топишга имкон беради.

Мазкур баҳолаш тизими ўқувчиларнинг танқидий, ижодий фикрлаш, мулоқот қилиш ҳамда ҳамкорликда ишлаш кўникмаларини текширади. Албатта, ўқувчиларнинг бу кўникмалари баҳолангандан кейин педагогларнинг ҳам дарсларга, билим беришга ёндашуви ўзгаради. Таълим жараёни ўқувчиларнинг юқорида санаб ўтилган кўникмаларини ривожлантиришга қаратилади. Ўз-ўзидан дарсларда турли фаол ва интерфаол усуллардан фойдаланиш эҳтиёжи туғилади. Ўқувчилар ҳамкорликда фаоллият юритиб, лойиҳалар устида ишлайди. Бу орқали уларда самарали мулоқот, бажарилаётган лойиҳаларга ижодий ёндашув кўникмалари шаклланиб боради.

Айни дамда бу баҳолаш тизимида фаоллият юритаётган мактаблардаги ўқувчиларнинг лойиҳа ва амалий ишларини кўриб, уларнинг билимида ўсиш, ижодий ва танқидий фикрлаш, ҳамкорликда ишлаш ва мулоқот қилиш кўникмалари шаклланаётганига ғувоҳ бўлиш мумкин.

Мезонларга асосланган баҳолаш тизими қўлланишининг яна бир афзаллиги — ўқувчиларни халқаро PISA тадқиқотларига тайёрлаш. PISA тестлари мактаб ўқувчиларининг ҳақиқий ҳаётда керак бўладиган ҳодисаларни таҳлил қилиш, улардан хулоса чиқариш ва мулоқотга киришиш кўникмаларини қай даражада эгаллаётганини, таълим тизимининг бу ўзгаришларга қанчалик мослашаётганини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Янги баҳолаш тизими кириб келиши педагог ва ўқувчилар фаолиятини тубдан ўзгартириб юборди. Педагог билим берувчи эмас, балки билимни мустақил эгаллашга йўналтирувчи шахсга айланди. Улар сифатли натижаларга олиб келадиган мезонлар асосида ўқувчиларни баҳолаш, ўқитиш сифатини ошириш, уларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир ўқувчи учун машғулот ҳажмини режалаштириш, турли баҳолаш усулларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлди. БСБ (боб бўйича сумматив баҳолаш) ва ЧСБ (чорак бўйича сумматив баҳолаш) натижаларини таҳлил қилиб, ўқувчилар ёки ўзлари томондан йўл қўйилган хато ва камчиликларни тузатиш, бўшлиқларни тўлдирishi мумкин.

Ўқувчилар таълим объектидан (пассив эшитувчи роли) таълим субъектига (таълим жараёнининг асосий фаолият иштирокчиси) айланди. Улар когнитив қобилият ва фикрлаш даражасини оширадиган турли ўқитиш усулларидан фойдаланиш, ўз-ўзини баҳолаш, мулоҳазали фикрлаш, фикрларини эркин ифода этиш, билимларини намойиш қилишга имкон яратилди.

Ота-оналарда эса боланинг билим даражаси бўйича далиллари билан танишиш, фарзандларининг таълим муваффақиятларини назорат қилиш имконияти пайдо бўлди.

Бу баҳолаш тизимида ўқувчининг бошқа ўқувчи билан баҳосини таққослашга ҳожаат қолмади. Чунки у мустақил равишда мезонлар асосида ўз ишини баҳолаш имкониятига эга бўлди. Ўзининг кучли ва заиф томонларини таққослаб, хулоса чиқариб, хато ва камчиликларни устида ишлашни бошлади.

Юқори натижаларга эришган мактаблар қўшимча равишда рағбатлантириб келинмоқда. Ўқув йили охирида 20 фоиз энг яхши натижа кўрсатган мактаблар танлаб олинган ва уларда ишчи гуруҳлар томонидан чуқур таҳлил ишлари олиб борилди. Мазкур мактабларнинг муваффақиятли тажрибаси ўрганилиб, уни бошқа мактабларга татбиқ этиш бўйича чоралар кўрилди.

— 2023-2024 ўқув йилида янги баҳолаш тизими жорий этилган 500 та мактаб 2 босқичли саралаш жараёнидан ўтган бўлиб, бунда ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражалари олдиндан белгилаб олинган



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

мезонлар асосида баҳолаб чиқилган, — дейди Педагогик маҳорат ва халқаро баҳолаш илмий-амалий маркази директори Дилрабо Давидова. — Ўрганиш ва таҳлилларда янги баҳолаш тизимини жорий этиш жараёнининг бошланғич босқичида мактабларда ўқувчиларнинг баҳолари тушиб кетиши кузатишган. Бунинг сабаби, ўқувчилар эндиликда аниқ белгиланган мезонлар асосида баҳоланар экан, унда бор билим ва кўникмага баҳо қўйилган, яъни субъектив ёндашув ёки нисбий баҳолаш бўлмаган. Бундан ташқари, ўқувчиларни баҳолашда нафақат уларни билиш ёки хотирасини синашга доир, балки билимларини ҳаётда муаммолни, аниқ вазиятларда қўллай билиши, мулоҳаза юрита олишини синашга оид саволлар берилишига эътибор қаратилган. Баҳолаш тизимини жорий этишнинг кейинги босқичларида ўқитувчиларнинг таълим беришга, ўқувчиларнинг эса таълим олиш ва мустақил изланишга ёндашувлари ўзгарганини кўриш мумкин бўлди.

Бу тизимда шаффоф, оқилона ва одилона фаолият юритаётган мактаб жамоасигина яхши натижаларга эришиб, устам олиш имкониятига эга бўлмоқда. Бунга эришиш учун мактаб маъмурияти БСБ ва ЧСБ



янги баҳолаш тизимини жорий этишдан аввал барча мактаб жамоасига семинар-тренинглар ўтказилди.

Семинарлар аввал мактаб директорлари, сўнг директор ўринбосарлари, ундан кейин фан ўқитувчилари учун каскад усулда ташкил этилди. Ҳар бир мактабда Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидаги мактабларнинг бирдан жалб этилган, мезонга асосланган баҳолаш бўйича тажрибага эга ҳамда янги тизимга мослашишда ўқитувчи ва ўқувчиларга кўмаклашиш вазифаси юклатилган методист ва тренерлар бириктирилди.

Ўқув тренингларида мактаб жамоасига мезонларга асосланган баҳолашнинг мазмун-моҳияти, БСБ ва ЧСБ вазифаларининг мазмуни, ўқувчилар томонидан тўпланадиган балл кўрсаткичлари ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

— Мактабларга бириктирилган тренерлар томонидан доимий равишда замонавий дарс методлари ҳақида семинар-тренинглар ўтказилмоқда, — дейди Дилрабо Давидова. — Бу ерда асосан ўқувчиларнинг репродуктив, продуктив даражалари, мулоҳаза юритиш ҳамда 4К усули орқали ўқувчиларнинг ижодий ва танқидий фикрлаш, мулоқот ва ҳамкорлик қилиш кўникмаларини ривожлантирувчи замонавий методлар билан таништириш ва амалиётга татбиқ этиш масалалари кўриб чиқилди. Бундан ташқари, ўқувчилар билан амалий машғулотлар ўтказиш, лаборатория ишларини бажариш ва лойиҳалар яратиш бўйича амалий топшириқлар берилди.

Топшириқлар ўқувчиларнинг яширин иқтидорини очишга, уларни изланишга, мустақил фикр юритиб, қарор қабул қилишга ўргатади. Назарий билимларини синф олдида гапириб беришга уялган болаларга амалий

иш ва лойиҳалар орқали бор билимини намойиш этишга имкон яратади. Бундай ўзгаришлар таълим сифатини янада яхшилашга хизмат қилиши билан аҳамиятли.

Илм-фан ва техника жадал ривожланиб бораётган, рақамли манбалар оқими кучайган даврда инсон қобилияти, истеъдоди, ўзаро муносабатларини ривожлантириш, шахсга йўналтирилган ёндашув орқали ўқитиш таълим муассасаларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Шу боис, вақт ва макон кенглигида келажақ авлод ўз мақсадларига эришиши, кенг имкониятлардан фойдаланган ҳолда эркин ва ёрқин яшашини учун таълим ислохотлари олиб борилмоқда. Чунки ҳар бир ўқувчининг гидрокига қараб, ижодкорлик ва ҳар томонлама изланувчанлигини таъминлайдиган янгиланган таълим мазмунини тайёрлаш зарурати тутилган эди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт” йили” да амалга оширишга оид давлат дастурида умумий ўрта таълим мактабларида билимни баҳолашнинг янги тартиби жорий этилган мактаблар сонини ошириш вазифаси келтирилган.

Жумладан, 2024-2025 ўқув йили якунида 1500 та умумтаълим мактабида жорий этилган билимни баҳолашнинг янги тартиби самарадорлигини таҳлил қилиш, таҳлиллар натижасида мазкур тартибни янада такомиллаштириш ҳамда 2025-2026 ўқув йилидан бошлаб янги баҳолаш тизими жорий этиладиган мактаблар сонини 3000 тага етказиш кўзда тутилган. Олиб борилаётган ишлар ана шу хайрли мақсаднинг дебосасидир.

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Коррупция — жамият танасидаги саратон

АДОЛАТЛИ ВА ФАРОВОН ҲАЁТ ҚУРИШ ОРЗУСИ

Жорий йил 5 март куни Президентимиз раислигида коррупциянинг олдини олиш бўйича ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ислохотлар ҳал қилувчи босқичга кираётган ҳозирги вақтда юртимизда коррупциядан холи муҳит яратиш бўйича ишларга баҳо бериб, келгуси вазифаларни аниқ белгилаб олиш зарурати барчамизни янада сергаклантирди.



Коррупция нафақат иқтисодий, балки ижтимоий-сиёсий ҳавф ҳамдир. У жамиятнинг барча соҳасига кириб бориб, ривожланишига тўсқинлик қилади. Шу боис, бугун юртимизда коррупцияга қарши кураш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича аниқ тизим яратилди, алоҳида қонунлар қабул қилинди. Парламент палаталарида масъул қўмиталар, Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш ва агентлик ташкил этилди. Энг муҳими, жамиятда коррупция муаммосини жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқадиган очиқ тизим, очиқ муҳит яратилгани, айниқса, оммавий ахборот воситаларининг бу борадаги ўрни ва таъсири ортиб бораётгани қайди этилди. Очикилик бўйича халқаро рейтингларда мамлакатимизнинг ўрни 138 погона яхшиланиб, Марказий Осиёда 1-, дунёда 30-ўринга кўтарилди.

Коррупция иллати хусусида сўз кетар экан, асли ҳалол, насли қол миллатимизнинг буюқ тарихи, меҳнат билан гуллаб-яшнаган турмуши кўз ўнгимизда гавдаланмади. “Меҳнат билан топаннинг — қанду асал топаннинг”, “Пора еган — пона ер” деган мақоллар ҳам доно халқимизнинг ўтмиш тажрибасини очик кўрсатиб беради.

Дунёнинг кўп қисмига эгалик қилган Амир Темур яшаган олтин асрда ҳам ҳалоллик, адолат, бировнинг ҳақига хиёнат қилмаслик тамойиллари давлат бошқаруvinинг асосини ташкил этган. Соҳибқироннинг инсоният тарққидиёти учун қилган энг улуг ишларидан бири жамиятда илдиэт отган порахўрликни томири билан сўғуриб ташлаганидир. Унинг адолат туғи остида буюк салтанат сарҳадлари шу қадар кенгайдики, баъзи ривоятларга кўра, етти ёшли боланинг бошига олтин табақда тўла тилла қўйиб, чегаранинг у бошидан бу бошига юборилса, етиб боргунча йигит ёшига етати, аммо тилладан бир донга ҳам камаймайди. Бу ривоятлар тилдан тилга ўтиб, бизгача етиб келгани эса халқ динятини, ҳалолликни нечоғли қадрлашини ифода этади.

Янги ислохотлар даврида давлатни коррупциядан холи ҳудудга айлантириш бўйича қилинган ўзгаришлар, хусусан, ҳар соҳада инсон омили ва қоғозбозликдан воз кечиб, рақамлаштирилган тизимга ўтилиши, соғлом рақобат, аукцион тизим, шаффоф қурилиш

дастури кабилар жорий этилиши инсонларни ортқича сарф-харажат, оворагарчиликдан қутқарди. Хусусан, миллий таълим-тарбия жараёнидаги шаффоф тизим бугун ёшларимизни дунё илм-фани минбарларига олиб чиққанига ғувоҳ бўлмоқдамиз.

Фарзандларимизнинг олий таълим муассасасига ҳужжат топширишидан бошлаб, тест синовларини ўтказиш, уларни баҳолаш ва оммага етказишгача бўлган мукаммал ва шаффоф тизим яратилди. Таалаба ҳамма жараёни ўзи холис махсус платформаларда кузата олади. Замонавий технология ёрдамида онлайн трансляция орқали ота-оналар ОТМлардаги шарт-шароитлардан бемалол фойдаланиб, фарзандларини имтиҳон жараёнида кузатиб бормоқда.

Талабалар ўқиниши кўчириш ва тиклаш бўйича барча босқични очик амалга ошириш мақсадида аризаларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ва қарор чиқариш жараёни учун автоматлаштирилган махсус онлайн дастур жорий қилинди.

Айниқса, магистратура босқичига қабул жараёни абитуриентнинг бакалаврият дипломи билан ўртача кўрсаткичи ҳамда хорижий тилини билиш даражаси бўйича тегишли миллий ёки халқаро сертификат асосида амалга оширилиши коррупцион ҳолатлар илдиэига болта урди.

Энг самарали ўзгаришлардан яна бири — олий таълимда янги кредит-модуль тизими жорий этилди. Натижада талабаларда ўзини ўзи бошқариш имконияти ошиб борди. Шу билан бирга, тизим таълим сифатини ошириш, шафдофликни таъминлаш, коррупцияга барҳам бериш, таълим олувчининг ҳақиқий билимини юзага чиқариш ҳамда мустақил ўқиб-ўрганиб, ўз устида ишлашга замин яратди.

Президентимизнинг 2020 йил 5 августдаги “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги фармони иқросини таъминлаш мақсадида ОТМларда олий таълим жараёнини бошқарувчи НЕМИС ахборот тизими жорий этилди. Натижада рақамлаштириш орқали қоғозбозлик камайиб, профессор-ўқитувчилар

асосий вақтини кўпроқ билим бериш ва изланишга сарфламоқда. Таълим сифати ва иш унумдорлиги сезиларли тарзда орта бошлади. Профессор-ўқитувчилар ва талабаларга электрон таълим хизматлари кўрсатиш амалиёти такомиллашди.

Коррупцияга қарши курашиш, мамлакат ва халқ ҳаётини фаровон қилиш, миллат келажагини ёруғ қуларга олиб чиқиш йўлидаги ислохотлар Фаргона давлат университети мисолида ҳам самарасини кўрсата бошлади. Жумладан, яқин 3 йилда дунёдаги энг нуфузли олий таълим муассасалари ва рейтинг ташкилотлари билан халқаро алоқалари илгарिलाб кетди. Бугунга қадар қатор нуфузли халқаро рейтинг ташкилотларида юқори ўринларни эгаллади. Хусусан, 2023 йилда Австралиянинг UniRank рейтинг платформасида маҳаллий миқёсда 23-ўринни банд этди. Шу йили Грузиянинг халқаро университетлар рейтинг ташкилоти — Round University Ranking (RUR) рейтингинда ўқитиш индикатори бўйича 883-ўринни эгаллади. Шунингдек, Буюк Британиянинг Times Higher Education (THE) рейтинг агентлиги рўйхатида 14 та индикатор бўйича юқори кўрсаткичлар билан 1000+ натижага қайд этди.

Мазкур натижаларнинг энг салмоклиси 2023 йил якунида Канаданинг Халқаро ютуқлар тадқиқот маркази (International Achievements Research Center — IARC) рейтингинда “Йил ректори — 2023” ва “Йил университети — 2023” номинацияси соҳибига айланганимиз бўлди. Шунингдек, университетимиз ўтган йили Индонезиянинг UI GreenMetric халқаро рейтингига илгор 500 талайикдан жой олди.

2024 йил натижаларига кўра, Туркиянинг машхур Higher Education Ranking халқаро рейтингинда ОТМ 65 мамлакатнинг 303 та университети орасида 3-ўринни эгаллади. Шу билан бирга, ўтган йили халқаро QS — Asia University Rankings рейтингинда Осиё университети орасида 801-850-қатордан ўрин олди. Университетнинг тобора ошиб бораётган нуфузи, академик салоҳияти замирида эса, албатта, адолатли, коррупциядан холи миллий таълим-тарбия тизими натижаси муҳжасам.

Коррупцияга қарши кураш — умуммиллий вазифа, ҳар бир ватанпарварнинг виждон иши экан, бу жараёндан ҳеч ким четда турмаслиги керак. Бунда нафақат биз, зейиллар жамоаси, балки Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси биргаликда мана шу ярадан жамиятимизни бутунлай халос қилиш йўлида ғайрат-шижоат билан ҳаракат қилишимиз даркор. Фақат шундагина биз ёшларимиз кутаётган коррупциядан холи, адолатли ва фаровон жамият қура оламиз.

Бир ҳақиқатни барчамиз чуқур англашимиз зарур: янги Ўзбекистон бағутида очикилик ва ошқоралик, демократик янгиланиш жараёни давом этар экан, энди орамизга ҳеч қандай порахўр ёки хиёнаткор сиймайди.

Баҳодиржон
ШЕРМУҲАММАДОВ,
педагогика фанлари доктори,
профессор

Долзарб мавзу

ЧАНГИТМАНГ, ЖАРИМА ТЎЛАЙСИЗ!

Мутахассислар фикрича, чанг ҳажми қанча кичик бўлса, нафас йўлларида шунча чуқур кириб боради. Ўпкада туриб қолади ва фиброгенлик хусусиятини оширади. Демак, атроф-муҳит мусофалогини қанча сақласак, ўзимиз учун шунча фойдали бўлади. Шу жиҳатдан янги тахрирдаги Конституциямизда барқарор ривожланиш принципига мувофиқ, атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чора-тадбирлар қўрилиши ўз ифодасини топган. Бугун инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган ушбу нормалар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Масалан, сўнгги йилларда юртимиз бўйлаб шаҳарсозлик ишлари қўлами кенгайди. Худудлар инфратузилмаси яхшиланиб, замонавий турар жойлар қад ростламоқда.

Статистик маълумотларга кўра, бугун юртимиз бўйича 27,4 мингдан зиёд корхона ва ташкилот қурилиш билан шугулланоқда. Улар томонидан ўтган йилнинг ўзида 233,8 триллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Таркиби бўйича бинолар ва иншоотлар қуриш йўналиши 71,7 фоиз, фуқаролик объектларини қуриш йўналиши 19,3 фоиз ва ихтисослаштирилган қурилиш ишлари йўналиши 9 фоиз улушини ташкил этди. Бу ижобий ҳолат, албатта.

Аммо қурилиш бўлар экан, атроф-муҳитга чанг ва инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи зарарли зарралар тарқалиши табиий. Чунки бу жараёнда, айниқса, асфальт, бетон ва бошқа қурилиш материаллари ишлатишда чанг ҳосил бўлади. Ҳисоб-китобларга кўра, 500 квадрат метрли очик қурилиш майдонида йилига ўртача 50 тонна чанг ва қум ҳавога кўтарилади. Бу инсон саломатлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади, албатта.

Шу боис, шаҳарсозлик қондаларига қурилиш майдонида, унга кириб-чиқиш йўлларида чанг ва қум зарралари ҳавога кўтарилишини бартараф этиш бўйича мажбурий талаблар киритилиб, амалиётга жорий қилинди. Лексин шу пайтгача қонунчиликда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талаблари ва шаҳарсозлик қондалари доирасида айнан қурилишда ҳавога чанг кўтарилишига йўл қўйганлик учун жавабгарлик назарда тутилмаган эди. Президентимиз жорий йил 3 март куни имзолаган “Қурилиш майдонларида чанг ва қум зарраларининг ҳавога кўтарилишини бартараф этишга доир мажбурий талаблар белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қонун бу каби муаммоларнинг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган.

Ушбу қонунга нега зарурат туғилди, унда қурилиш жараёнида чанг кўтарилишининг олдини олиш

бўйича қандай янги нормалар акс этган, деган ҳақли саволларга изох бериб ўтсак. Аввало, мазкур қонун фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи учун қўлай атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ҳуқуқларини таъминлайди. Яъни сизу бизнинг тоза ҳаводан нафас олишимизга шaroит яратди. Тартибсиз қўллангандан кейин бир йил давомида такрор содир этилса, БХМнинг 50 баробари миқдориди жарима солинади.

Хуқуқбузарликларни аниқлаш эса қатъий белгиланган тартиб асосида амалга оширилади. Бу жараёнда қурилиш майдонида чанг-қум зарралари ҳавога кўтарилиш ҳолати Давлат экологик назорати инспекцияси масъул ходимлари томонидан юқори сезувчанликка эга махсус лаборатория ускуналари ва воситалари билан жойига чиққан ҳолда таҳлил намуналари асосида ўрганилади. Ушбу ҳужжат бино-иншоотлар қуриш, реконструкция қилиш ҳамда мукаммал таъмирлаш даврида атмосферага чанг ва қум зарралари ташланишининг олдини олиш баробарида қурувчилар масъулиятини оширади.

Одилжон МАМАДАЛИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати

Қантар оғиб, чўпоннинг елкасига офтоб тегди. Оппоқ қор билан қопланган тепаликларда эрув бошланди. Ер қизиб, тафти самога кўтарилмоқда. Аллақачон кўзилаб бўлган сурувини бойчечак бўй кўрсатган кенг қирларга ҳайдашга шошилган кўйчивон чорванинг йили келганидан мамнун. Таёғига суюнганча баракани чамалаб кўради. Ўзича сарҳисобидан таскин топади. Кўнгли офтобда эриган қор каби юмшаб, қизиган тош устига бир зум ўтиради. Онасининг ортидан эргашаётган эгиз кўзичоқларга қараб дили яйрайди. Кўйнига солиб юрган, бобосидан қолган чанқовузни олиб, лабига теккизади. Ўзича чалмоққа шайланади. Сознинг овози бир оз ўхшамайроқ чиқади. Ўтган йилги кўклардан бери кўлига олмаганди. Озгина ёдидан кўтарилибди. Яскоқ тошга ўрнашиб олиб, бошқатдан уринади.

Биёв-биёв, деган сас янграй бошлайди. Оҳанг бошида бир оз пастлаб, кейин кўтариллади. Атрофга ўзгача куй таралади. Бу наводан адирнинг кун тегиш томонидаги қоянинг қори эриб, эндигина бағрига иссиқлик теккани қоқиб сергак тортган каби бош кўтаради. Майин шаббоданинг таъсириданми ёки чанқовуз овозига ҳамоҳтангми, тебраниб, рақсга тушган бўлади. Хув нарида бия ортидан эргашиб юрган, ҳали тутилганга кўп бўлмаган саман тойчоқ бу оҳангни илк бор эшитатган бўлса керак, қулоқларини диққайтирганча жим қараб қолади. Балки қулогига майин ёқаётгандир.

Бир-бирининг пинжига тикилиб турган икки жуфт тошбулбул ҳам ҳаракатга тушиб қолади. Майин наво қайдан келётганига қизикиб, катта тош устига қаторлаб кўниб олади. Шу пайтга қадар қуриб қолган қаклик кўзидекина чашма ҳам ҳаракатга тушади. Ундан зилолдек сув сизиб чиқиб, пастлик томон оқа бошлайди. Шошаётган жилгага

кўшилиб, сой томон қўйилади. Шарқираган овоз чиқариб, гўёки чўпонга жўр бўлади. Даракчи қўшлар парвоз қилиб, қўшиқ айтишга тушади. Бутун борлиқ уйғона бошлайди. Демак, баҳор қариб келмоқда.

Аслида, илк кўкланин чорвадорлар қарши олиб, кейин навбат деҳқонларга ўтади. Кўлига кетмон олиб ишга киришган миришкорлар об-ҳаво яхши бўлишдан умидвор бўлиб ерга уруғ сочади. Йил баракали бўлишини тилаб кексалар дуога қўл очади. Нурунийлар кўлига бир донга бўлса-да, ниҳол олиб экинни бошлаб беради.

Уйғониш фасли жамики жонзотни ҳаракатга келтиради. Далаларда иш, қизиган ҳаёт бошланади. Қайсидир маҳаллада ҳашар уюштирилади. Ҳовлилардаги дарахтлар оқланиб, таги юмшатилади. Хотин-қизлар дошқозон ўрнатиб, сумалак пиширишни бошлаб юборади. Кўлига урчуқ олган момолар кўкламга кўрпача солиб, ўтмиш лапарларидан хиргойи қилишга киришади. Жамалак таққан қизалоқлар момоси кўлидаги урчуқнинг айланishiга маҳлиё бўлади. Кўлига тоққайчи олган бобо набирасини етаклаганча бот орайлади. Бўй кўрсатган қоқиб, моқаймоқларни олиб: “Омонлик, омонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик”, дея етказганига шукрона айтади. Мўйсафиднинг ҳаракатига ҳайрат-ла тикилиб, кўзлари порлаб турган болакайга бобо ривоятлар айтади. Бу каби манзара ҳар бир хонадонда, ҳар бир далада такрор бўлади. Хуллас, ҳадемай ёшариш айёми — Наврўз кириб келади. Янги кунга яхши ниятлар ила ҳозирлик кўриш лозим.

Кўкдала туманидаги Чиял аҳли ҳар йилги Наврўзни ўзгача қутиб олади. Худуд анъанасига кўра, баҳор байрамни ўтказишни қишлоқдаги мактабни қайсидир йили битирган синфдошлар ўз зиммасига олади. Дастлаб оқсоқоллар олдидан ўтиб, розилик сўрашади. Режалари асосда қилинадиган хайрли ташаббуслари ҳақида батафсил айтиб ўтишади. Шундан сўнг кейинги йил байрам ташкилотчилари — мисол учун, 1987 йил туғилган синфдош йигитлар экани эълон қилинади. Ўз зиммасига каттагина масъулиятни олган синфдошлар шу куннинг эртасигаёқ



ишга киришади. Энг муҳими, уларнинг ўз ниятларига кўра, қишлоқда яхшигина ободончилик бошланади. Яъни кейинги Наврўзга қадар ўз ҳисобларидан муайян маблағ йиғишиб, ҳомийлик ҳисобидан кўприк ёки йўлга асфальт ётқизишади. Ўзлари таҳсил олган мактабга китоб совға қилишади. Ўқув биносини таъмирлаб беришади.

Жорий йилда ҳам Чиялда анчагина катта ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, айни кунларда қишлоқ болалари мактабга қатнаши учун пиёдалар йўлакчалари барпо этилмоқда.

— Чиялда ҳозир 12 та маҳалла мавжуд, — дейди худуд фаоли Алламурод Келдиев. — Шундай бўлса-да, ҳар бир маҳаллада удум мавжуд. Бунинг натижасида қишлоқларимиз обод масканга айланоқда. Йўлларимиз яхшиланиб, муаммолар бартараф этилмоқда. Ёшларнинг бу хайрли ташаббуси ортидан камбағал оилалар бандлиги таъминланиб, фаровонликка қадам ташлашга шароит яратилмоқда. Айниқса, олийгоҳларда таълим

оширилди. Масалан, шу пайтга қадар қишлоқлар ўртасидаги мавсумда тўлиб оқадиган Қўмдарёдан баҳор пайтларида ўтиш мушкул бўлиб келган. Айниқса, ўқувчилар мактабга қатнаши анчагина қийинлашиб қолганди. Бу муаммони бартараф этиш учун аҳоли “қимдир қилиб берар” қабилда иш тутмай, ҳашарни бошлаб юборган. Бунда айнан Наврўз ташкилотчилари асосий ҳомийлик қилишган. Натижада кейинги беш-олти йилда уч-тўртта кўприк барпо этилди. Ўзоқ йиллик ташвиш ариди. Ўқувчиларнинг узоғи яқин бўлди.

— Бу анъана навбати билан алмашиб бораверади, — дейди Қўмдарё маҳалласи раиси Уктам Соипов. — Бу йил бизда 1984 йилда туғилган синфдош йигитлар байрам тадбирларига бош бўлмоқда. Барака топсин. Ҳозирга қадар маҳалламизнинг ички кўчаси ёнидан 3 километр пиёдалар йўлига қуриб беришди. Илгари болаларимиз мактабга катта асфальт йўлдан борарди. Машиналар ҳаракатланишига мўлжалланган йўлдан юриш анча хавфли. Ота-оналарнинг хавотирини ортиб, фарзандлари уйга қайтунга қадар кўчага термулиб ўтирарди. Ҳозир текис йўлақдан бемалол бориб келишмоқда. Шу билан бирга, қуёш нуридан қувват оладиган кўча чироқлари ҳам ўрнатиб беришди. Бунинг эвазига йўлларимиз чароғон бўлди. Ўтган йилги ташаббускорлар кўприк қуриб берганди. Ундан аввалги йилда мактабимизда артезиан кудуги қовланиб, ичимлик сув билан таъминланди. Айнан Наврўз байрами баҳона ҳар йили янгиликларга қўл урилмоқда. Манзилимиз обод масканга айланоқда.

Хайрли ташаббус шу ҳудудда жойлашган “Чувуллоқ” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам кенг тарқалган. Маҳалла нурунийларининг айтишича, синфдош йигитлар ташаббуси билан жорий йилда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга катта ёрдам берилган. Шу билан бирга, Наврўз ўтказишни зиммасига олган йигитлар ўзлари таҳсил олган мактаб кутубхонасига бадийи адабиётлар совға қилишган. Ўтган йиллар давомида бу каби ишларнинг санаб адоғига етиб бўлмайди.

— Азалдан янгилиниш айёми ўзгача қутиб олинган, — дейди “Тўқмор” МФЙ раиси Шерали Мирзаев. — Наврўз халқимиз учун энг эъзозли байрамлардан бири. Бунга доим алоҳида тайёргарлик қўрилган. Ота-боболаримиз тозалikka эътиборини, аввало, ҳовлисидан бошлаган. Шундан сўнг кўчалар озода қилинган. Ҳашарлар ўтказилиб, жойларга дарахтлар ўтказилган. Беморлар ҳолидан хабардор бўлишган. Кексаларнинг дуоси олинган. Бу удум бутун ҳам давом этиб келаятгани қувонарли. Адашмасам, бизда илк бор 1996 йилда синфдош йигитлар ташаббуси билан Наврўз ўтказиш бошланганди. Шундан бери ҳар йили шу тарика ўтказиб келинади. Ҳозиргача бу ташаббус ортидан қишлоғимизга янги спорт майдончаси барпо этилди. Ички йўлимизнинг 1 километр қисми асфальт қилинди. Икки километр йўлга шағал ётқизилди. Бундан ташқари, 68-умумтаълим мактабимизга қудуқ қаздирилди. Ҳар йили юздан зиёд дарахт кўчати экиб беришади.

Бошқа жойлардагидан фарқли ўлароқ, бу манзилда “Наврўз солномаси” китоби ҳам жорий этилган. Мазкур китобга 1996 йилдан бери синфдош йигитлар томонидан ҳар йили Наврўз арафасида қилинган ишлар қайд қилиб борилади. Китобни varaқларканмиз, ҳеч бир саҳифасида бўш жой йўқлигига гувоҳ бўлдик. Қайномалар кейинги йилларда янада кенгайганини кўриш мумкин. Ўшбу солномада яхши ном қолдириш маҳалла ёшлари учун катта шараф.

Айтишларича, кейинги йилларда Чиял анъанаси воҳа бўйлаб кенг тарқала бошлаган. Бунинг эвазига Наврўз байрами тантаналари жойларда янада қадриятларга бой, миллий урф-одатлар асосида ўтмоқда. Бу эса нафақат ҳудудлар ободлигига, балки кўнглилар нурафшонлигига ҳам сабаб бўлмоқда. Бу каби хайрли ташаббуслар янада қулоқ ёвса, баҳор айёми ҳар бир манзилда янада гўзал бўлиши шубҳасиз.

Ақбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЁҒОЧНИ “ГАПИРТИРАДИГАН” ОДАМ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ УСТАСИ МУҲАММАДАЛИ ЮНУСОВ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР

Эгнида оқ ятак, белига белбоғ боғлаган уста тонг ҳавосидан тўйиб нафас олиб, устахона томон одимлади. Бир муддат атрофни кўздан кечирди, хомашёларга назар солди. Оддий ёғочларга ажиб манзара, нақшлар солиш билан андармон бўлиб изланаётган шоғирдлари ишига эътибор бериб, нақшлар устига меҳр билан қўл югуртирди, ёшлар ишидан кўнгли тўлди. Ҳайрати жўш урди, кўлига искана ва болғачани олиб, ёғоч устига энгашганча ишга киришди...

Хунардан унар

Таниқли ёғоч ўймакор уста Муҳаммадали Юнусов фаолиятини шу тарзда бошлашга одатланган. Қулоч етмас устунларга турфа нақш солиш ҳаётининг мазмунига айланишига ярим асрдан ошди. Унинг қалб кўри, кўз нури, ижодкорлик қобилияти билан ишланган турфа ёғоч буюмлар, айвон ва устунлар йиллар давомида элга манзур бўлиб келмоқда.

Маҳобатли устунлар, нақшинкор айвонлар нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам маълум ва машҳур. Уста ясаган амалий санъат намуналари ҳайратини оширади. Маҳобат билан ишланган ҳар бир нақшнинг ўз жилоси, оҳанрабои бор. Қалбга эзгулик, юракларга ҳайрат уруғини сочади.

Муҳаммадали ака эллик йилдан буён ёғоч ўймакорлик билан шуғулланиб, элда ҳурмат-иззат топди. “Ўзбекистон Республикаси халқ устаси” фахрий унвони, “Эл-юрт хурмати” орденига муносиб кўрилди.

— Нақшошлик бизга отамерос, — дейди уста. — Мен бешинчи авлод вақилиман. Қўлимга искана олганимда нарик борса, 6-7 ёшли бўла эдим. Ҳар бир худуднинг ўзига ҳос ёғоч ўймакорлиги услуби, нақш солиш анъанаси бор. Қўқон ёғоч ўймакорлик мактабида нозик ва бежирим нақшларга алоҳида ўрин ажратилган. Мўҳими, ҳаммаси ижод ва изланиш маҳсули. Ҳаракат қилган

одам меҳнатидан қадр топмоқда. Бугунгидек қулай шароитлар йўқ эди. Тор ҳовлида бир амаллаб ишлаганмиз. Хунар ўрганиб, кам бўлмадик. Айни кунда икки мингдан ортиқ шоғирдим бор. Улар миллий ёғоч ўймакорлик санъатини ривожлантириш, унутилган анъаналарини тиклаш йўлида изланиш олиб борапти. Ёғоч ўймакорлиги бир қараганда, оддий иш бўлиб кўриниши мумкин, аммо у жуда мураккаб санъат тури. Бу ишга қўл урганлар нозик дидли, сабр-бардошли, билим ва изланишдан қочмайди бўлиши шарт. Адабиёт, мусика, тарих, кимё, математикадан хабардор бўлмай туриб, ушбу хунарни эгаллаб бўлмайди.

Муҳаммадали ака бобомерос хунарни ривожлантириб, тараққий этишига ҳисса қўшиб келаятган фидойилардан. Фуқрат тумани марказида “Уста Юсуфжон нақшош” оилавий корхонасини очиб, “Уста-шоғирд” мактабидан юздан ортиқ ёшга ёғоч ўймакорлигини ўргатиб келмоқда. Бу ерда дурадгорлик ускуналари ва ёғоч маҳсулотлар музейи ҳам ташкил этилган.

Президентимиз 2022 йил май ойида Фарғона вилоятига ташрифи доирасида “Уста Юсуфжон нақшош” оилавий корхонасида бўлиб, уста Муҳаммадали Юнусов билан суҳбатлашганди. Мазкур оилавий



корхона ёнида мактаб ташкил этиш, унда хунар билан бирга математика, геометрия, физика, кимё каби фанларни қўқурлаштириб ўқитиш муҳимлигини таъкидлаганди.

— Давлатимиз раҳбари ўшанда ота-боболаримиздан мерос хунари асраб-авайлаб, ёш авлодга етказаяётганим, уларни ишли қилаётганим учун мамнун эканини билдирган эди, — дейди уста. — Шундай хунардандчилик турларини янада оммалаштириш, бу ҳам маданият, ҳам маърифат, ҳам иқтисодиёт экани ҳақида суҳбатлашгандик.

Устанинг иш намуналари 2019 йил сентябрда Қўқон шаҳрида ўтказилган халқаро хунардандлар фестивалида “Энг яхши хунарданд” номинацияси бўйича голибликка лойиқ қўрилди. Ушанда барчанинг кўз ўнгига Қўқон ёғоч ўймакорлиги ва дурадгорлик анъаналари бор бўй-басти билан кўрсатиб

берилди. Уста фестивалнинг очилиш тадбиридаги концерт дастури давомида шоғирдлари билан миллий услубдаги тўрт тарафи очик равоқни ҳеч қандай елим, мххисиз тиклаб, иштирокчилар олқишига сазовор бўлган эди.

— Бугун миллий услубдаги сўри, хонтахта, нақшинкор айвонларга талаб юқори, — дейди уста. — Илгари ёғоч, чинор, қайрағоч, тут, тол дарахтдан маҳсулот тайёрлаган бўлсак, энди қайин, павловния ёғочига ишлов бериб, бежирим ва кўркам буюмлар тайёрлашга ҳаракат қилияпмиз. Ёғочга нақш солишда замонавий компьютер технологияларидан ҳам фойдаланса бўлади. Лекин қўл меҳнати орқали тайёрланган жиҳоз ва буюмларнинг қадри бошқача. Ёғочга бармоқларингиз орқали ўтган меҳр бошқача жило беради, кўрганнинг кўзи қувнайди.

Уста юртимиздаги қўллаб мажмуаларга кўрқ бағишлаган, нуфузли, маҳобатли биноларни барпо этиш жараёнида ўймакорлик ишлари билан қадимий миллий хунардандчилик анъаналарини тиклашга ҳисса қўшган. Пойтахтимиздаги Ҳазрати Имом мажмуасини барпо этишда 8 метрли устунларни тайёрлаш ҳамда кириш қисмидаги айвонларнинг нақшини тушуришда бош уста сифатида ишлади. “Қатагон қурбонлар хотираси” музейининг устунларини ҳам нақш билан беади. Миллий богдаги “Халқ амалий санъати” галереясининг айлана айвон қисми, Самарқанддаги Имом Бухорий мажмуаси айвонлари қурилиши, Дониёл пайгамбар мақбарасида 8 қирра, 8 устулни миллий аркли айвон ҳамда қўллаб туман ва шаҳарлардаги ёғоч ўймакорлиги ишлари ҳам айнан Муҳаммадали Юнусовга тегишли.



Хунардандчиликда Самарқанд, Хоразм, Тошкент ва Қўқон мактаби бор эди. Услуби жиҳатидан бу мактабларнинг хунардандчилик ишлари ажралиб туради. Бугун, ҳеч шубҳасиз, Фуқрат тумани мактаби ҳам вужудга келди. Барча соҳа ва тармоқлар қатори хунардандчилик йўналишидаги ангиланишлар замирида ҳам қадриятларимизни тиклаш, ёшларни хунари қилиш ва иш билан таъминлаш каби вазифалар устувор.

Корхона раҳбари Муҳаммадали Юнусов миллий ёғоч ўймакорлиги мактабининг муносиб давомчиси. Унинг ижодига “паргори”, “шарафа”, “муқарнас” ва “ислимий” услублар асосий ўринда. Нақшинкор устунлар, курси, лаҳз, кутча ва бошқа буюмлар ҳамша харидордир. Устанинг шоғирдлари кўпи боис, кенг шароит яратиш мақсадида корхона учун янги бино қуриб битказилган.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг корхонага ташрифи давомида берилган имкониятлардан самарали фойдаланган тадбиркор хунардандчилик ишлари ажралиб туради. Бугун, ҳеч шубҳасиз, Фуқрат тумани мактаби ҳам вужудга келди. Барча соҳа ва тармоқлар қатори хунардандчилик йўналишидаги ангиланишлар замирида ҳам қадриятларимизни тиклаш, ёшларни хунари қилиш ва иш билан таъминлаш каби вазифалар устувор.

Устахонада ҳаёт қийнайди. Қўлига искана ва болга тутганларнинг ёши, бўй-басти, қарашли турлича. Аммо мақсади ва истаги битта — оддий ёғочдан гўзал санъат асари тайёрлаш.

Нодир МАҲМУДОВ,
Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбирлари